

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ**

**САМАРҚАНДДАВЛАТЧЕТ ТИЛЛАР
ИНСТИТУТИ**



НЕМИС ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ КАФЕДРАСИ

**«АСОСИЙ ЧЕТ ТИЛИ »
(НЕМИС ТИЛИ)**

ФАНИДАН ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА

Тузувчилар: Аслиева Г.З., Эшонқулов О.С.

Самарқанд -2016

АННОТАЦИЯ: Ушбу ўқув-услубий мажмуада немис тили асосий чет тили фани бўйича 1курс бакалавр йўналиши талабаларининг немис тили асосий чет тили фани бўйича билим, малака ва кўникмаларини ошириш мақсадида ушбу фан машғулоти сифатини ошириш, дарсларни замонавий ахборот ва педагогик технологиялар асосида олиб бориш, энг янги ўқув адабиётлари асосида интерактив методлардан фойдаланиш усуллари ва воситалари, талабалар билим, малака ва кўникмаларини янада ривожлантириш борасида қўлланиладиган воситалар, услуб ва усуллар ва улардан фойдаланиш тизими ўрин олган. Мажмуадан олий ўқув юртлири талабалари, шу соҳа бўйича мутахассис ўқитувчилар, илмий тадқиқотчилар ва немис тили грамматикаси ва уни ўқитиш методларига қизиқадиганлар фойдаланиши мумкин.

Тузувчилар:Аслиева Г.З., Эшонқулов О.С.

КИРИШ

Давримизнинг ўзига хос жиҳати ҳисобланган илмий-техник тараққиёт тиллараро мулоқотнинг фаоллашувини тақозо этмоқда. Тиллараро мулоқот хорижий илмий-техник ахборотни излаш ва ўзлаштиришда алоҳида аҳамият касб этиб, бу жараёнда йил сайин фан, техника ва маданиятнинг турли соҳалари мутахассислари иштирок этмоқда. Бизнинг давримизда хорижий тилни ўз соҳаларида ва бошқа мақсадларда қўллаш даражасида эгалламаган мутахассисни тасаввур қилиш қийин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1990 йил 1-майда чиқарилган “Минтақавий олий ўқув юртларини ривожлантириш ва олий ўқув юртларида қабул тўғрисидаги Қарор”и, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” ва “Таълим тўғрисидаги қонун” хорижий тилни мукамал ўрганиш ва уни ўзи танлаган мутахассислик доирасида амалий қўллашни тақозо этади.

Немис тили фанини ўқитишдан мақсад, талабаларни мактабда немис тили фанидан олган билимларини чуқурлаштириш ҳамда уларнинг нутқ фаолиятини ўстириш, сўзлашиш, ёзиш, ўқиб тушина билиш қобилиятини кучайтириш, ўз соҳасига оид адабиётларни ўқиб таржима қилиш ва улардан фойдаланишдан иборат. Немис тили ўқув курсининг ўрганиш объекти тилнинг асосий бирлиги бўлган сўз, немис тилининг луғат таркиби ва унинг фразеологик фонди ҳисобланади.

Тилнинг луғат бойлиги жамият ҳаёти билан чамбарчас боғлиқдир. Ўқитилаётган бу фан ҳаётнинг барча жабҳаларида рўй бераётган ва тилнинг луғат таркибида акс этаётган ўзгаришларни ўз ичига олади. Немис тили курси талабаларнинг мантикий тафаккурини, чет тилидаги нутқий қобилиятини, хотирлаш турлари, фикрлари, умумнутқий ва умумтаълимий йўриқларни, тил бўйича мустақил ишлаш малакаларини ривожлантиради.

Немис тили дарсларида талаба бошқа фанларда ўзлаштирган билим ва малакаларни қўллай олиши лозим. Бу унга ўзлаштирилган билимларни тадбиқ этишни осонлаштиради. Немис тили фани давлат стандартларидан келиб чиқиб талабаларни чет тилда ўз фикрини баён қилишга, турли иш юритиш ҳужжатларини, хусусан, ариза, биография, тақриз, тавсиянома, расмий ва хусусий хатлар, соғлиқ ҳақидаги ҳамда бошқа турдаги бланкаларни тўлдириши, шунингдек, немис тили орфографиясидаги ислохотларни ўргатишни мақсад қилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Рўйхатга олинди:
№ BD-3.01
2013 йил 28 август

Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлигининг 2013 йил
28 августдаги 319-сонли буйруғи
билан тасдиқланган



АСОСИЙ ЎРГАНИЛАЁТГАН ТИЛ

ФАНИНИНГ

ЎҚУВ ДАСТУРИ

Билим соҳаси:	100 000 - Гуманитар соҳа
Таълим соҳаси:	120 000 - Гуманитар фанлар
Таълим йўналишлари:	5120100 - Филология ва тилларни ўқитиш (тиллар бўйича) 5120200- Таржима назарияси ва амалиёти (тиллар бўйича)

Тошкент – 2013

Фаннинг ўқув дастури Олий ва ўрта махсус, каб-хунар таълими йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Кенгашнинг 2013 йил 13 августдаги 3– сонли мажлис баёни билан маъқулланган.

Фаннинг ўқув дастури Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида ишлаб чиқилди.

Тузувчилар:

- Исамухаммедова Н. – “Инглиз тилини интеграллашган ҳолда ўқитиш” кафедраси доценти, ф.ф.н.;
- Иргашева С. – “Инглиз тилини интеграллашган ҳолда ўқитиш” кафедраси катта ўқитувчиси;
- Носирова Г. – АнДУ, катта ўқитувчи;
- Алимова К. – “Инглиз тилини интеграллашган ҳолда ўқитиш” кафедраси катта ўқитувчиси;
- Мухаммедова Н. – “Инглиз тилини интеграллашган ҳолда ўқитиш” кафедраси катта ўқитувчиси;
- Ким О. – “Инглиз тилини интеграллашган ҳолда ўқитиш” кафедраси катта ўқитувчиси;
- Ниязова З. – “Инглиз тилини интеграллашган ҳолда ўқитиш” кафедраси ўқитувчиси;
- Эшонкулова Н. – “Иккинчи чет тилини интенсив ўқитиш” кафедраси ўқитувчиси

Бош маслаҳатчи:

- Род Болайто – Буюк Британия, Норич тил ўқитиш институти

Такризчилар:

- Вест Р. – Буюк Британия, мустақил эксперт
- Ирискулов М. – ЎзДЖТУ профессори, ф.ф.н.

Фаннинг ўқув дастури Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети Илмий кенгашида кўриб чиқилган ва тавсия қилинган (2013 йил 27 июндаги 11-сонли баённома.)

КИРИШ

Фан, техника ва технологиялар ютуқлари асосида таълим тизимини ислоҳ қилишда давр синовларидан ўтган илғор тажрибаларни ўрганиш ҳамда миллий ва умуминсоний қадриятларни эътиборга олган ҳолда уларнинг жорий этилишини таъминлаш рақобатбардош кадрлар тайёрлашнинг муҳим омили саналади. Амалдаги Давлат таълим стандартлари, ўқув режа ва фан дастурларини такомиллаштириш эҳтиёжи ҳам ана шу ислохотлар натижасида юзага келди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1875-сон қарорида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида “Олий таълим муассасаларида чет тилларни ўқитиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлар дастури” ишлаб чиқилган бўлиб, унда чет тиллар бўйича Давлат таълим стандартлари, ўқув режалари ва дастурларини такомиллаштириш ва босқичма-босқич ўқув жараёнига татбиқ этиш устувор вазифалардан бири сифатида белгиланган.

Европа Кенгашининг “Чет тилини эгаллаш умумевропа компетенциялари: ўрганиш, ўқитиш ва баҳолаш” тўғрисидаги ҳужжатида тил эгаллашга қўйиладиган талаблар ва мезонлар эътиборга олинган ҳолда Ўзбекистон узлуксиз таълим тизимида чет тилларини ўрганишнинг ягона мақсад ва вазифалари белгиланиб, чет тиллари бўйича таълимнинг барча босқичлари битирувчилари тайёргарлик даражасига қўйиладиган Давлат таълим стандарти талаблари ишлаб чиқилди. Чет тилини эгаллаш даражаларини ўзида акс эттирган мазкур стандарт Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 8 майдаги “Чет тиллар бўйича таълимнинг барча босқичлари битирувчиларининг тайёргарлик даражасига қўйиладиган талаблар” тўғрисидаги 124-сонли қарори билан тасдиқланди.

Мазкур дастурни ишлаб чиқишда Европа Кенгашининг “Чет тилини эгаллаш умумевропа компетенциялари: ўрганиш, ўқитиш ва баҳолаш” тўғрисидаги умумэтироф этилган халқаро меъёрлари (CEFR – Common European Framework of Reference) ва Ўзбекистон Республикасининг узлуксиз таълим тизимида чет тилларни ўрганишга қўйиладиган талаблар эътиборга олинди. Унда **чет тилини ўқитишга ихтисослашган таълим йўналишлари битирувчилари** олий таълим муассасасидаги тўрт йиллик таҳсиллари ниҳоясида ўрганган чет тили бўйича C1 даражани эгаллашлари минимум сифатида белгилаб қўйилган. Шунингдек, такомиллаштирилган Давлат таълим стандартларида талабаларнинг тайёргарлик даражаси, билим, малака ва кўникмаларига қўйиладиган талаблар ҳамда турдош олий таълим муассасалари мутахассислари томонидан билдирилган таклифлар инобатга олинди.

Фаннинг мақсад ва вазифалари

Мазкур фаннинг мақсади талабаларга касбий йўналиш доирасида тилнинг оғзаки ва ёзма шаклларини ўргатиш, уларнинг ижтимоий-маданий мулоқот малакаларини ривожлантириш, хусусан ўрганилаётган чет тилининг функционал шакллари ва услубларини, тил тўғрисидаги амалий ва назарий билимларини такомиллаштириш ҳамда эгалланган билим, кўникма, малакаларини касбий ва илмий фаолиятда эркин қўллай олишларини таъминлашдир. Фаннинг **асосий вазифаси** умумэтироф этилган халқаро меъёрларга кўра талабаларнинг ўрганилаётган чет тилини C1 даражада эгаллашлари учун зарурий билимларни интеграллашган тарзда ўргатиш ва мулоқот малакаларини ривожлантиришдир.

Фан бўйича талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар Мазкур дастур бўйича таълим олган талабанинг:

- ◆ чет тилини эгаллаш Умум Европа стандартларига кўра C1 даражасида (даражалар тавсифи иловада келтирилган) ўрганилаётган чет тилида ўқиш, тинглаб тушуниш, гапириш ва ёзиш кўникмаларига эга бўлиши;
- ◆ ўрганилаётган чет тилининг халқаро мулоқотдаги роли;
- ◆ тил ўрганиш жараёнлари ҳамда уларнинг тил ўрганишдаги роли ва аҳамияти;
- ◆ ўқув материалларини танқидий таҳлил қилиш, баҳолаш, маҳаллий шароитга мослаштириш ва янгиларини ярата олиш;

- ◆ дарсни режалаштиришда изчилликни таъминлаш ҳамда машғулоти олиб бориш;
- ◆ чет тилини ўқитишнинг турли услублари ва тил ўқитишдаги турли ёндашувлар;
- ◆ тил ўқитилаётган гуруҳ ва шароитга мос равишда ўқитиш услубларини танлаш ва тўғри қўллаш олиш;
- ◆ таълим олувчилар билимини баҳолашнинг турли шакл ва методлари;
- ◆ эгаллаган билимлардан касбий ва илмий фаолиятда унумли фойдаланиш бўйича билим, малака ва кўникмаларга эга бўлиши талаб этилади.

Фаннинг ўқув режадаги бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги ва услубий жиҳатдан узвийлиги

Асосий ўрганилаётган тил (инглиз, немис, француз, испан тиллари) фани мазкур таълим йўналиши ўқув режасидаги бошқа ихтисослик фанлари билан ўзаро боғлиқ бўлиб, модуллар кетма-кетлиги ва мазмунига мос равишда 1-8 семестрлар давомида ўқитилади. Мазкур фан умумкасбий фан ҳисобланади ва тўрт йил давомида модулларга ажратилган ҳолда ўргатилади. Ўқув режанинг адабиётшуносликка, методикага, мамлакатшуносликка оид курслари ва ўрганилаётган чет тилининг назарий курслари - умумий тилшунослик, стилистика ва матн таҳлили, назарий фонетика, қиёсий типология, назарий грамматика фанларидан зарурий билимларни эгаллашда ушбу фан модуллари бўйича ўзлаштирилган кўникма ва малакалар муҳим аҳамият касб этади.

Фаннинг ишлаб чиқаришдаги ўрни

Асосий ўрганилаётган тил (инглиз, немис, француз, испан тиллари) фани ишлаб чиқариш жараёни билан бевосита боғланмаган. Ушбу фан филология ва тилларни ўқитиш таълим йўналишининг асосий ихтисослик фани ҳисобланади. Олий таълим муассасасини ушбу таълим йўналиши бўйича тамомлаган бакалаврлар Республикамиз узлуксиз таълим тизимида ўқитувчилик фаолияти билан шуғулланадилар. Шунингдек, хорижий қўшма корхоналар, халқаро ташкилотлар ва уларнинг республикамиздаги бўлимлари, элчихона ва консулликлар, сайёҳлик агентликлари, нашриёт ва таҳририятлар, нотариал идоралар, таржимонлик бюрolariда касбий фаолият олиб борадилар.

Фанни ўқитишда замонавий ахборот ва педагогик технологиялар

Фанни ўқитишда шахсга йўналтирилган таълим методи ва чет тилини ўқитишга коммуникатив ёндашувдан максимал даражада фойдаланиш талаб этилади. Машғулотларда дарслик ва ўқув қўлланмалардан ташқари аутентик материаллар: аудио, видео, газета ва журналлар, интернет манбаларидан, интерактив усулларни қўллаган ҳолда ақлий ҳужум, кейс-стади, лойиҳалар тайёрлаш, ролли ўйин, дебатлар, презентация методларидан кенг фойдаланилади.

Фан бўйича талабалар билимини баҳолаш

Асосий ўрганилаётган тил (инглиз, немис, француз, испан тиллари) фани бўйича талабалар билими рейтинг тизими асосида баҳоланади. Дастурда модуллар бўйича ўзлаштирилган билимларни баҳолаш турлари ва шакллари келтирилган. Улар ўқув материаллари тўлиқ ва самарали ўзлаштирилганлигини назорат қилишда ягоналик ва тизимлиликни таъминлайди.

АСОСИЙ ҚИСМ

Фаннинг амалий машғулотлари мазмуни

Асосий ўрганилаётган тил (инглиз, немис, француз, испан тиллари) фани икки асосий – лингвистик ва методик курсга бўлинади.

Лингвистик курс қуйидаги модулларни ўз ичига олади:

- интеграллашган тил кўникмалари;
- оғзаки нутқ амалиёти (тинглаш ва гапириш);
- ўқиш;
- ёзма нутқ амалиёти;

- коммуникатив грамматика;
- коммуникатив лексика (сўз бойлигини ошириш);
- дискурс (матн) таҳлили;
- ўрганилаётган чет тили халқаро мулоқот тили сифатида;
- мустақил таълим кўникмалари;
- аудиторияда ўқитувчи нутқи.

Методик курс қуйидаги модуллардан таркиб топади:

- ☑ чет тилини ўрганиш жараёнлари;
- ☑ чет тилини ўқитиш тамойиллари ва ёндашувлар;
- ☑ тил кўникмаларини интеграллашган ҳолда ўқитиш;
- ☑ тил сатҳ (ярус) ларини ўқитишга коммуникатив ёндашув;
- ☑ тил бўйича билимларни баҳолаш турлари ва мезонлари;
- ☑ ўқув материалларини танлаш ва янгиларини яратиш;
- ☑ махсус йўналиш (соҳа) ларда чет тилини ўқитиш;
- ☑ дарсни режалаштириш;
- ☑ аудиторияни ўрганиш (тадқиқ) этиш;
- ☑ маданиятлараро мулоқот компетенциясини ривожлантириш;
- ☑ турли ёшдагиларга чет тилини ўқитиш.

Лингвистик курс: интеграллашган тил кўникмалари

◆ Лингвистик курс: оғзаки нутқ амалиёти (тинглаш ва гапириш) – 1 – курс

Оғзаки нутқ амалиёти (тинглаш ва гапириш) модули 1-4 семестрлар давомида ўқитилади. Биринчи курс якунида талабалар Европа Кенгашининг “Чет тилини эгаллаш умумевропа компетенциялари: ўрганиш, ўқитиш ва баҳолаш” тўғрисидаги умумэътироф этилган халқаро меъёрлари (CEFR) га кўра қарийб B1 даражада чет тилида тинглаб тушуна олишлари ва сўзлаша олишлари назарда тутилади.

Оғзаки нутқ амалиёти (тинглаш ва гапириш) модули бўйича талаба **биринчи курс якунида қуйидаги билим ва кўникмаларни эгаллаши шарт:**

- турли жанрдаги (теле янгиликлар, ҳикоялар, телерекламалар, эълонлар ва шу каби) матнларни тушуниш ва муҳокама қилиш учун тинглаши;
- тинглаб тушунишни осонлаштириш учун талаба турли стратегияларни қўллаб олиши, жумладан, матннинг асосий ғоясини тушуниш, контекстдаги таянч сўзларни англай олиши;
- радио янгиликлар, теле дастурлар ва адабий (стандарт) чет тилида таниш мавзудаги фильмларнинг асосий мазмунини тушуниши;
- сўзлашувчининг кайфияти, оҳанги ва муносабатини англай олиши;
- таниш ёки ўзини қизиқтирган мавзуларда соддароқ гаплар воситасида юзма-юз мулоқотга эркин кириша олиши, мулоқотни самарали давом эттириши ва тугаллаши;
- норасмий муҳокамаларда ўз нуқтаи назарини ва фикрини бемалол баён эта олиши ва бошқаларнинг фикрини сўраши;
- ҳиссиётлари ва муносабатини тасвирлаган ҳолда кўрган-кечирганларини батафсил баён қила олиши;
- ўрганилаётган чет тилида тўғри ва аниқ талаффузда гапира олиши.

Модул мазмуни

Тинглаб тушуниш бўйича:

Тинглаш учун мўлжалланган матн турлари:

- диалоглар, суҳбатлар;
- телефон орқали мулоқот;
- жамоат жойларидаги эълонлар (масалан, темир йўл вокзали, аэропортдаги эълонлар);
- кўрсатмалар, йўриқномалар (масалан, аудиториядаги ўқитувчининг кўрсатмалари, овқат тайерлаш, велосипедни (техника воситаларини) таъмирлаш сингари осон кўрсатмалар);

- теле ва радио хабарлар, об-ҳаво маълумотлари;
- монологлар (масалан, презентациялар, нутқлар);
- теле ва радио ҳужжатли фильмлар;
- бадиий фильмлар;
- кўшиқлар
- аудио китоблар ва ҳ.к.

Стратегиялар

- матнни тинглаб унинг асосий ғоясини англай олиш;
- матнни тинглаб, ундаги муайян маълумотни (масалан, саналар, исмлар) фарқлаш;
- сўзлашувчининг кайфияти, ҳиссиётлари ва муносабатини аниқлай олиши;

Оғзаки мулоқот(диалог) бўйича:

- турли коммуникатив нутқ вазиятлари (саломлашиш, кечирим сўраш, хайрлашиш, миннатдорчилик билдириш ва ҳ.к.) ни тўғри ўзлаштириши;
- ўзига ёққан ва ёқмаган нарсалар, жиҳатлар ҳақида фикрини баён этиши;
- ўзи ҳақида шахсий маълумотларни бера олиши;
- сўзловчи нутқини тушунганлиги ёки яхши англай олмаганлигини ифодалаши (масалан, сўзловчидан гапини яна бир марта такрорлашни, изоҳлаш, савол бериш ва ҳ.);
- мулоқотни давом эттира олиш;
- интервью олиш ва саволларга жавоб қайтариш;
- таниш мавзуларда муҳокамаalarda қатнашиши;
- навбат билан мулоқотга киришиши, сўзловчининг нутқини бўлмаслиги ёки бўлишга тўғри келган вазиятларда мулоқотни давом эттириши;
- мулоқотни бошлаш ва тугаллаш стратегияларини эгаллаши;
- жумлаларни перифраза қилиш ва қайтадан таъкидлаши;
- оғзаки мулоқотда тегишли миллий-маданий меъёрларни (масалан, *илтимос* ва *раҳмат* сўзларининг турли маданиятларда ишлатилиши, саломлашиш одоби) билиши ва уларни тўғри қўллаши;
- мулоқот жараёнида тегишли имо-ишоралардан (масалан, диққат билан тинглаётганлигини кўрсатиш учун олдинга сал энгашиш, тушунаётганлигини ифодалаш учун бош ирғаши) ўринли фойдаланиши;

Талаффуз

- интонация (интонациянинг грамматик ва муносабат билдирувчи функцияларини фарқлаш)
- урғу (сўз урғуси, гап урғуси)
- товушларни транскрипциялар орқали ўқий олиши;
- она тили интерференцияси

Дастурнинг информацион-методик таъминоти

- муҳокама;
- ролли ўйинлар;
- турли ситуациялар;
- видео ва аудио воситаларга ёзилган тинглаш учун мўлжалланган матн, топшириқ ва вазифалар;
- ўқиш кундалигини юритиши
- мустақил ўқиш (масалан, дарсдан ташқарида ўзи хоҳлаган матнни тинглаши, талаффузи устида ишлаши).

Кутилаётган натижалар:

Биринчи курс якунига келиб:

- курс давомида ўтилган мавзулар бўйича талабаларда турли матнларни тинглаб тушуна олиш стратегиялари шаклланади;
- ўтилган мавзулар бўйича норасмий вазиятларда мулоқотга кириша оладилар ва уни давом эттира оладилар.

Баҳолаш турлари ва шакллари

Биринчи семестр:

Жорий назорат – талабанинг дарсдаги иштироки, тинглаш кундалиги, ролли ўйинлар, муҳокама

Оралиқ назорат – муҳокама (фильм ёки аудио матнга асосланган), тинглаш бўйича тест (тинглаш стратегияларини ривожлантиришга қаратилган)

Якуний назорат – тинглаш учун тест (тинглашнинг самарали стратегияларидан фойдаланишга қаратилган), ролли ўйинлар

Иккинчи семестр:

Жорий назорат – талабанинг дарсдаги иштироки, тинглаш кундалиги, интервью, турли ситуациялар

Оралиқ назорат – ўзини ўзи баҳолаш машқи (дўсти билан чет тилидаги суҳбатни ёзиб олиш (аудио ёки видео тасмага) + ўз нутқини таҳлил қилиш + рефлексия, тинглаш учун тест

Якуний назорат – жуфтликда муҳокама қилиш, тинглаш учун тест

◆ Лингвистик курс: оғзаки нутқ амалиёти (тинглаш ва гапириш) – 2 – курс

Иккинчи курс курс якунида талабалар Европа Кенгашининг “Чет тилини эгаллаш умумевропа компетенциялари: ўрганиш, ўқитиш ва баҳолаш” тўғрисидаги умумэтироф этилган халқаро меъёрлари (CEFR) га кўра қарийб B2 даражада чет тилида тинглаб тушуна олишлари ва сўзлаша олишлари назарда тутилади.

Оғзаки нутқ амалиёти (тинглаш ва гапириш) модули бўйича талаба иккинчи **курс якунида қуйидаги билим ва кўникмаларни эгаллаши шарт:**

- ўқиш ва касбга оид мавзулардаги аниқ ва батафсил оғзаки тавсифларни тушуна олиши ва матн туза олиши;
- адабий (стандарт) оғзаки тилни шовқин ёки нутқ яхши эшитилишига тўсқинлик қилаётган бошқа ташқи факторлар шароитида ҳам тўлиқ тушуна олиши;
- таниш мавзулардаги, жумладан касбга оид мавзулардаги аниқ ва равион тузилган маъруза ёки нутқни тушуна олиши ва унга доир саволларга жавоб бера олиши;
- адабий (стандарт) тилда олиб бориладиган радио ва ТВ дастурларни (хужжатли фильмлар, жонли интервьюлар, ток-шоу, спектакль ва аксарият бадиий фильмлар) тушуна олиши ва мазмунини қисқача оғзаки баён эта олиши;
- турли вариантлар, сабаб, натижа, турли ситуацияларнинг ютуқ ва камчиликларини этироф этган ҳолда ўз нуқтаи назарини ифода этиши;
- турли ижтимоий контекстларда тегишли тил воситаларидан ўринли фойдалана олиши.

Модул мазмуни

Тинглаб тушуниш бўйича:

Тинглашга мўлжалланган матн турлари

- суҳбат, диалоглар;
- телефонда суҳбат
- жамоат жойларидаги эълонлар (масалан, вокзал/аэропорт эълонлари)
- телевидение ва радио орқали бериладиган янгиликлар;
- теле ва радио дастурлар (ток-шоу, хужжатли фильмлар);
- ўқиш ва касбга оид мавзуларда презентациялар, нутқлар, маърузалар;
- бадиий фильмлар
- интервьюлар
- кўшиқлар
- аудио китоблар

Стратегиялар ва кўникмалар

- асосий ғояни тушуниш учун тинглаш;
- муайян маълумотни тушуниш учун тинглаш
- тинглаб конспект қилиш;
- тинглаб қисқача мазмунини ўрганилаётган чет тили ва она тилларида баён қилиш

Диалог

- ўқиш ва касбга оид мавзулардаги диалогларда иштирок этиб, маълумот алмашиш;
- тегишли интонация ва урғудан фойдаланиб ҳиссиётларини ифода эта олиш;
- турли мавзуларда давомий диалогга киришиш;
- аввалдан тайёрланган ҳолда интервью олиб бориш, маълумотларни текшириш ва тасдиқлаш, қизиқарли жавобларга эътибор қаратиш;
- муҳокамаларда тегишли изоҳлар, аргументлар ва шарҳлар берган ҳолда ўз фикрини баён қилиш ва уни ҳимоя қилиш;

Монолог

- ўз қизиқишларига оид мавзуларда батафсил ҳисоботлар;
- янгиликлар, интервью ёки ҳужжатли фильмлардан парчалар мазмунини қисқача баён этиш;
- расмий вазиятларда долзарб мавзулар бўйича ўз нуқтаи назарини ифода этиш;
- дебатларда асосий маърузачи сифатида иштирок этиш;
- иккинчи курс мавзулари бўйича презентациялар қилиш;

Дастурнинг информатсион-методик таъминоти

- амалий вазифа (масалан, презентацияни таҳлил қилиш ва унинг ютуқ ва камчиликларини аниқлаш);
- муҳокамалар;
- ўқиш кундалигини юритиш;
- ролли сахна кўринишлари;
- турли ситуациялар;
- презентациялар (гуруҳ ёки якка тартибда);
- дебатлар;
- видео ва аудио воситаларга ёзилган тинглаш учун мўлжалланган матн, топшириқ ва вазифалар;
- мустақил ўқиш (масалан, дарсдан ташқари пайтда ўзи истаган мантиларни тинглаши, талаффузи устида ишлаши);

Кутилаётган натижалар

Иккинчи курс сўнггига келиб, талабалар қуйидаги натижаларга эришишлари кутилади:

- иккинчи курс мавзулари доирасида турли матнларни тушуна олишлари ва тегишли саволларга жавоб қайтара олишлари ;
- иккинчи курс мавзулари бўйича расмий ва норасмий контекстларда мулоқотга кириша олишлари;
- иккинчи курс мавзуларида батафсил тавсифлар ва нуқтаи назарларни ифода этган ҳолда ҳисоботлар, қисқа баён ва презентациялар қила олишлари.

Баҳолаш турлари

Учинчи семестр:

Жорий назорат - талабанинг дарсдаги иштироки, тинглаш учун вазифалар (масалан, тинглаб, конспект олиш, тинглаб мазмунини қисқа баён қилиш), интервьюлар, давра суҳбатлари

Оралик назорат - тинглаш бўйича тест (тинглаш ва қисқа баён қилиш, тинглаш ва конспект қилиш), турли ситуациялар

Якуний назорат - дебатлар

Тўртинчи семестр :

Жорий назорат - талабанинг дарсдаги иштироки, тинглаш учун вазифалар (масалан, тинглаб, конспект олиш, тинглаб мазмунини қисқа баён қилиш), мини-презентациялар

Оралик назорат - бир-бирига тақриз бериш, тинглаш бўйича тест (маъруза + конспект қилиш)

Якуний назорат - шахсий ва профессионал қизиқишларига мос мавзуларда презентация, ўз-ўзини баҳолаш, тинглаш ва гапириш кўникмаларини мунтазам равишда такомиллаштириш бўйича режа тузиш ва унга амал қилиш

◆ Лингвистик курс: ўқиш модули – 1- курс

Ўқиш модули талабаларга 1-5 семестрлар давомида ўқитилади. Биринчи курс якунида талабалар Европа Кенгашининг “Чет тилини эгаллаш умумевропа компетенциялари: ўрганиш, ўқитиш ва баҳолаш” тўғрисидаги умумэтироф этилган халқаро меъёрлари (CEFR) га кўра B1 даражасига мос келадиган мавзуларга оид турли матн турларини ўқиб, мазмунини тушунишлари назарда тутилади.

Ўқиш модули бўйича талаба **биринчи курс якунида қуйидаги билим ва кўникмаларни эгаллаши шарт:**

- тушуниш ва муҳокама қилиш учун турли матн турлари (кичик ҳикоялар, журнал ва газета мақолалари, янгиликлар баёни, интернет матнлари ва ҳоказолар) билан ишлаш усуллари ўзлаштиришлари;
- матнни тушуниш мақсадида турли стратегияларни (асосий фикрларни англаш учун ўқиш, ғояни билиш учун ўқиш, махсус маълумотни олиш учун ўқиш) эгаллаши;
- бадиий адабиётларни ўқиш кўникмасига эга бўлиши ва ўқиган адабиётларидан олган таассуротлари билан ўртоқлаша олиши;
- ўқиш жараёнида учраши мумкин бўлган муаммоларни фарқлай олиши ва улар ечимини топа олиши

Ўқиш модули бўйича биринчи курсда ўтиладиган тахминий мавзулар мазмуни

Матн турлари (оригинал матнлар)

- менюлар, рецептлар;
- жадваллар;
- кичик ҳикоялар;
- гороскоплар;
- шахсий хатлар;
- кундаликлар;
- информацион буклетлар, брошюралар, (фильмлар, кўргазма ва ҳоказолар.), саёҳат йўлланмалари;
- журнал мақолалари (машҳур шахслар билан суҳбатлар, гороскоплар);
- янгиликлар баёни;
- таниш мавзуларга оид қисқа газета мақолалари;
- шеърлар;
- интернет матнлари (блоглар);
- эълонлар (грантлар, саёҳат манзиллари);
- қўлланмалар/инструкциялар (техник воситалар, асбоблар учун);
- энциклопедик мақолалар;

Ўқиш мақсадлари

- экстенсив ўқиш (бадиий ўқиш)
- интенсив ўқиш (маълумот учун ўқиш)

Ўқиш стратегиялари

- асосий фикрларни англаш\билиш учун ўқиш;
- ғояни билиш учун ўқиш;
- махсус маълумотни олиш учун ўқиш;
- сўзларнинг контекстдаги маъносини топиш;
- диққат билан ўқиш;
- кўз югуртириб ўқиш;
- тез ўқиш

Ўқиш жараёнида учрайдиган муаммоларни аниқлаш ва уларни тузатиб бориш

- паст овозда ёки овоз чиқариб ўқиш;
- ҳижжалаб ўқиш;

- такроран ўқиш;
- юзаки ўқиш;
- луғатларга тез –тез мувожаат қилиш

Ўқитиш ва ўқиш методлари

Талабалар ўрганилаётган чет тилида мослаштирилмаган (соддалаштирилмаган) аслият матнлари билан кўпроқ ишлашлари лозим. Бироқ ўқиш вазифалари талабаларнинг тил билиш даражасига кўра мослаштирилиши мумкин. Ўқишга ёрдам бериш мақсадида матн бўйича қизиқарли, ҳаётий саволлар бериш, баъзида унда учрайдиган янги сўзлар маъносини ўргатиш, ўқиладиган матн мазмунига тааллуқли топшириқлар берилиши мақсадга мувофиқ.

Матнни ўқиш жараёнида бериладиган вазифа ва топшириқлар асосий ғояни топишга, маълум деталларни излашга ундайди. Масалан, саволлар, жадвални тўлдириш, тўғри/нотўғри баёнотлар, гапларни керакли сўзлар билан тўлдириш каби вазифалар шулар жумласидан.

Матн ўқилгандан кейин бериладиган вазифалар талабаларни матнни ҳар томонлама муҳокама қилишга ундаши керак. Бундан ташқари талабалар ўз фикр мулоҳазаларини, ҳис-туйғуларини бир-бирларига билдира олишлари ва кўпчилик олдида эркин ифодалай олишлари лозим.

Шунингдек, талабалар ўқиган бадиий асарларини биргаликда муҳокама қилишлари ва қайси бадиий асарларни ўқишни хоҳлашлари ва нима учун айнан шу асарни танлаганларини муҳокама қилишлари мумкин.

Бадиий ўқиш талабаларнинг зарурий ўқиш кўникмаларини ривожлантириб, уларнинг эффектив ўқиш стратегияларига эга бўлган китобхонга айланишларига имкон яратади.

Эришиладиган натижалар

Биринчи курс охирига келиб талабалар

- биринчи курс мавзуларга оид турли матнлардаги асосий ғояларни тушуна оладилар;
- эффектив ўқиш стратегияларини эгаллаган ҳақиқий китобхон малакаларига эга бўладилар.

Баҳолаш мезонлари

Жорий баҳолаш – ўқилган материалларни ўз ичига олган матнлар портфели/порфолио, (нимани ўқидингиз, ўқиганларингиз ёқдимиз ёки ёқмадимиз, нима учун), баҳоланган топшириқлар рўйхати;

Оралик баҳолаш – турли матнларга асосланган тест (дарс жараёнида фойдаланилмаган матнлар)

Якуний баҳолаш – янги матнларга асосланган тест.

◆ Лингвистик курс: ўқиш модули – 2-курс

Иккинчи курсни тамомлагач талабаларнинг тил билишнинг умумэтироф этилган халқаро меъёрлари (CEFR) га кўра B1 даражасига мос келадиган мавзуларга оид турли матн турларини ўқиб, мазмунини тушунишлари назарда тутилади.

Ўқиш модули бўйича талаба иккинчи курс **яқунида қўйидаги билим ва кўникмаларни эгаллаши шарт:**

- ўз соҳаларига оид турли матн турларини (кичик ҳикоялар, журнал ва газета мақолалари, янгиликлар баёни, интернет матнлари) ўқиб, матн юзасидан хулоса чиқара олишлари;
- матнлардаги фикрларни, муаллиф ғоясини ва муболағани аниқлашлари;
- ўз соҳасига ва қизиқишига оид матнларни ўқиб тушунишлари;
- ўз соҳасига оид бўлмаган мақолаларни луғатсиз ўқиб тушунишлари;
- маданият ва санъатга оид мавзулардаги (фильм, театр, бадиий адабиёт) мақола ва тақризларни ўқиб, ундаги асосий фикрларни айта олиши;
- ўқиш жараёнида дуч келинадиган муаммоларни аниқлаб, уларни тўла бартараф этишлари;
- қўлланмалар/инструкцияларни ўқиб керакли кўрсатмаларни тушунишлари;

- бадиий матнларини (ҳикоя, драма) ўқиб, улар ғоясини, воқеалар ривожини ва оқибатини тушунишлари.

Ўқиш модули бўйича иккинчи курсда ўтиладиган тахминий мавзулар мазмуни.
Мавзулар биринчи курс мавзуларига айланиб ўхшаб бўлсада иккинчи курсда асосий эътибор ушбу мавзуларнинг чуқур ва батафсил ўрганилишига қаратилади.

Матн турлари (оригинал матнлар)

- менюлар, рецептлар;
- жадваллар;
- кичик ҳикоялар;
- гороскоплар;
- шахсий хатлар;
- кундаликлар;
- инфор­мацион буклетлар, брошюралар, (фильмлар, кўргазма ва ҳоказолар.), саёҳат йўлланмалари;
- журнал мақолалари (машҳур шахслар билан суҳбатлар, гороскоплар);
- янгиликлар баёни;
- таниш мавзуларга оид қисқа газета мақолалари;
- шеърлар;
- интернет матнлари (блоглар);
- эълонлар (грантлар, саёҳат манзиллари);
- қўлланмалар/инструкциялар (техник воситалар, асбоблар учун);
- энциклопедик мақолалар;

Ўқиш мақсадлари

- экстенсив ўқиш (бадиий ўқиш)
- интенсив ўқиш (маълумот учун ўқиш)

Ўқиш стратегиялари

- асосий фикрларни англаш\билиш учун ўқиш;
- ғояни билиш учун ўқиш;
- махсус маълумотни олиш учун ўқиш;
- сўзларнинг контекстдаги маъносини топиш;
- диққат билан ўқиш;
- кўз югуртириб ўқиш;
- тез ўқиш

Ўқиш жараёнида учрайдиган муаммоларни аниқлаш ва уларни тузатиб бориш

- паст овозда ёки овоз чиқариб ўқиш;
- ҳижжалаб ўқиш;
- такроран ўқиш;
- юзаки ўқиш;
- луғатларга тез –тез мурожаат қилиш

Ўқитиш ва ўқиш методлари

Талабалар ўрганилаётган чет тилида мослаштирилмаган (соддалаштирилмаган) оригинал матнлар билан кўпроқ ишлашлари лозим. Бироқ ўқиш вазифалари талабаларнинг тил билиш даражасига кўра мослаштирилиши мумкин. Ўқишга ёрдам бериш мақсадида матн бўйича қизиқарли, ҳаётий саволлар бериш, баъзида унда учрайдиган янги сўзлар маъносини ўргатиш, ўқиладиган матн мазмунига тааллуқли топшириқлар берилиши мақсадга мувофиқ.

Матнни ўқиш жараёнида бериладиган вазифа ва топшириқлар асосий ғояни топишга, маълум деталларни излашга ундайди. Масалан, саволлар, жадвални тўлдириш, тўғри/нотўғри баёнотлар, гапларни керакли сўзлар билан тўлдириш каби вазифалар шулар жумласидан.

Матн ўқилгандан кейин бериладиган вазифалар талабаларни матнни ҳар томонлама муҳокама қилишга ундаши керак. Бундан ташқари талабалар ўз фикр мулоҳазаларини, ҳис-

туйғуларини бир-бирларига билдира олишлари ва кўпчилик олдида эркин ифодалай олишлари лозим.

Шунингдек, талабалар ўқиган бадий асарларини биргаликда муҳокама қилишлари ва қайси бадий асарларни ўқишни хоҳлашлари ва нима учун айнан шу асарни танлаганларини муҳокама қилишлари мумкин.

Бадий ўқиш талабаларнинг зарурий ўқиш кўникмаларини ривожлантириб, уларнинг эффектив ўқиш стратегияларига эга бўлган китобхонга айланишларига имкон яратади.

Эришиладиган натижалар

Биринчи курс охирига келиб талабалар

- биринчи курс мавзуларга оид турли матнлардаги асосий ғояларни тушуна оладилар;
- самарали ўқиш стратегияларини эгаллаган ҳақиқий китобхон малакаларига эга бўладилар.

Баҳолаш мезонлари

Жорий баҳолаш – ўқилган материалларни ўз ичига олган матнлар портфели/порфолио, (нимани ўқидингиз, ўқиганларингиз ёқдимиз ёки ёқмадимиз, нима учун), баҳоланган топшириқлар рўйхати;

Оралик баҳолаш – турли матнларга асосланган тест (дарс жараёнида фойдаланилмаган матнлар)

Якуний баҳолаш – янги матнларга асосланган тест.

◆ Лингвистик курс: ўқиш модули – 3- курс

Учинчи курс якунида талабаларнинг тил билишнинг умумэтироф этилган халқаро меъёрлари (CEFR) га кўра B2, C1 даражасига мос келадиган мавзуларга оид турли жанрга тааллуқли матн турларини ўқиб, мазмунини тушунишлари назарда тутилади.

Ўқиш модули бўйича талаба учинчи курс якунида қуйидаги билим ва кўникмаларни эгаллаши шарт:

- ўқиш, тушуниш ва муҳокама қилиш учун берилган катта ҳажмдаги матн билан ишлай олиши ва тегишли хулоса чиқара олиши;
- ўқиш жараёнида ёзма баёнот, ҳисобот, маърузаларда келтириб ўтилган фикр-мулоҳазаларга ҳамда ўз фикрларига таяниб таҳлил ва муҳокама қилиш;
- берилган махсус матнлардаги маълумотлар, ғоялар ва фикрларга таяниб мустақил тарзда илмий маъруза тайёрлай олиши;
- замонавий бадий матнларни қийналмасдан ўқий олиши;
- берилган ҳикоя, повест ёки романнинг аниқ сюжетини ва улардаги ноаниқ маъноларни ва бир-бирига боғланган фикрларни тушуниши;
- бадий адабиётда тасвирланган сиёсий, ижтимоий, маънавий, тарихий жараёнларни тушуниб, таҳлил қилиши;
- айрим ўринларда луғатлар билан ишлаган ҳолда турли жанр ва соҳаларга оид мураккаб матнларни ўқиб, тушуниб, таҳлил ва муҳокама қила олиши.

Ўқиш модули бўйича учинчи курсда ўтиладиган тахминий мавзулар мазмуни
Матн турлари (имкон даражасида оригинал матнлар)

- газета ва журналлардаги мақолалар (янгиликлар, маърузалар, катта ҳажмдаги мақолалар, халқаро илмий журналларда ўрганилаётган чет тилида чоп этилган мақолалар);
- таҳлил баён этилган қисқа маълумотлар;
- шеърлар
- асарлардан келтирилган парчалар;
- интернет матнлари (блоглар, вебсайтлар);
- қўлланмалар, инструкциялар (техник восита ва асбоблар учун);
- энциклопедик мақолалар;
- профессионал мавзулардаги мақолалар (чет тили ўқитиш, ўқитиш муаммолари, методлари, ўқитиш тизимидаги янгиликлар ёритиладиган журналларда берилган мақолалар);

- маърузаларда келтириб ўтилган ғояга нисбатан билдирилган фикрлар ва муҳокама қилинган ҳисоботлар

Ўқиш мақсадлари

- экстенсив ўқиш (бадий ўқиш)
- интенсив ўқиш (маълумот учун ўқиш, тушуниш учун ўқиш)
- тайёрланган дарс режаларининг муайян контекстга мувофиқлигини баҳолаш;
- маълум контекст учун дарс режасини тузиш

Ўқиш стратегиялари

- хулоса ясаш, “қаторлар ораси” маънони англаш
- тез ўқиш
- хулоса қилиш ва ёзма баён этиш
- муаллиф фикрини ёқлаш ёки инкор қилиш ва уни асослаш;
- таҳлил қилиш;
- синтез қилиш;
- ўқиш сифатини аниқлаш

Ўқитиш методикаси

- амалий вазифалар;
- долзарб мақолалар муҳокамаси;
- турли жанрдаги матнларни таҳлил қилиш;
- интернет матнлари билан ишлаш;
- ўқиш кўникмасини баҳоловчи тестлар;
- мустақил ўқиш

Ўқитиш ва ўқиш жараёнида учрайдиган муаммоларни фарқлаш ва уларни бартараф этиш

Талабалар ўрганилаётган чет тилида мослаштирилмаган (соддалаштирилмаган) оригинал матнлар билан кўпроқ ишлашлари лозим. Бироқ ўқиш вазифалари талабаларнинг тил билиш даражасига кўра мослаштирилиши мумкин. Ўқишга ёрдам бериш мақсадида матн бўйича қизиқарли, ҳаётий саволлар бериш, баъзида унда учрайдиган янги сўзлар маъносини ўргатиш, ўқиладиган матн мазмунига тааллуқли топшириқлар берилиши мақсадга мувофиқ.

Матнни ўқиш жараёнида бериладиган вазифа ва топшириқлар асосий ғояни топишга, маълум деталларни излашга ундайди. Масалан, саволлар, жадвални тўлдириш, тўғри/нотўғри баёнотлар, гапларни керакли сўзлар билан тўлдириш каби вазифалар шулар жумласидан.

Матн ўқилгандан кейин бериладиган вазифалар талабаларни матнни ҳар томонлама муҳокама қилишга ундаши керак. Бундан ташқари талабалар ўз фикр мулоҳазаларини, ҳис-туйғуларини бир-бирларига билдира олишлари ва кўпчилик олдида эркин ифодалай олишлари лозим.

Шунингдек, талабалар ўқиган бадий асарларини биргаликда муҳокама қилишлари ва қайси бадий асарларни ўқишни хоҳлашлари ва нима учун айнан шу асарни танлаганларини муҳокама қилишлари мумкин.

Бадий ўқиш талабаларнинг зарурий ўқиш кўникмаларини ривожлантириб, уларнинг эффектив ўқиш стратегияларига эга бўлган китобхонга айланишларига имкон яратади.

Баҳолаш турлари ва шакллари

5 – семестр

- жорий баҳолаш – дарсларда фаол қатнашиш, тақдимот ва келгусида ўқиш малакасини ривожлантириши бўйича ишлаб чиқилган режа;
- оралиқ баҳолаш – тақриз (бадий асар (роман)нинг ижтимоий, маданий ва тарихий негизини таҳлил қилиш ва ёритиб бериш);
- якуний баҳолаш – янги матнларга асосланган тест

◆ **Лингвистик курс: ёзма нутқ амалиёти модули – 1- курс**

Ёзма нутқ амалиёти модули 1-8 семестрлар давомида ўқитилади. Тўртинчи курсда ҳам ушбу модул ўқитилишининг асосий сабаби талабаларга илмий матн ёзишни ўргатиш ва шу орқали уларнинг битирув малакавий ишларини илмий тилда эркин ёза олишларини таъминлашдир.

Биринчи курс нихоясида талабалар:

- турли жанрдаги ёзма матнларни, жумладан таклифнома, таржимаи ҳол, шахсий хатларни тўғри ёзишни ўрганадилар ва ушбу матнларнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлашлари;
- эшитган, кўрган ва ўқиган мавзуси асосида қисқа иншолар (параграфлар) ёза олиш кўникмасини босқичма-босқич ривожлантириб боришлари;
- гапларни грамматик жиҳатдан тўғри тузишлари;
- жумлаларни бир-бирига боғлаш учун ишлатиладиган боғловчилар, кириш сўзларидан тўғри фойдаланишлари;
- иншонинг тузилиши (кириш, асосий қисм ва хулоса), унинг мантикий узвийлиги ва яхлитлигини таъминлай олишлари;
- ёзма нутқда матн жанрига ҳамда мақсадига мувофиқ расмий ёки норасмий услубни танлаб, ёза олишлари лозим.

Ёзма нутқ амалиёти учун тавсия этиладиган матн турлари

- табрикномалар ва таклифномалар;
- шахсий маълумотномалар, анкета саволлари;
- содда хатлар, эслатмалар, қайдлар;
- воқеа-ҳодиса, одамлар ва предметлар тасвирига бағишланган хатлар, матнлар;
- e-mail, интернет форумларига хатлар;
- резюме ва таржимаи ҳол;
- кичик ҳикоялар;
- овқат рецептлари;
- шахсий кундалик

Ёзма нутқни ривожлантиришнинг асосий омиллари

- ёзма ишни режалаштириш (кластер усулида, ақлий ҳужум ва ҳ.);
- ёзма ишнинг мақсади ва кимга йўналтирилганлигини аниқлаш ва шунга қараб тегишли услубни танлаш маҳорати.

Грамматик тамойиллар

- гап тузиш (гапда сўз тартиби);
- гапда эга ва кесимнинг ўрни, мослашуви;
- гап турлари (оддий, қўшма гаплар);
- боғловчилар ва кириш сўзлари;
- сўз танлаш (расмий ва норасмий услубдаги сўзлар ва ҳ.);
- пунктуация

Қисқа иншо (параграф) ёзиш босқичлари

- мос сарлавҳани танлаш;
- кириш қисмини ёзиш;
- иншонинг асосий ғоясини ифодалаш;
- далил ва исботларни баён этиш;
- ёзма ишда плагиатга (кўчирмакашликка) йўл қўймаслик

Дастурнинг информацион-методик таъминоти

Ишлаш тартиби: якка ҳолда, жуфтликда ва кичик гуруҳларда

Вазифалар:

- турли интерактивметодларга асосланган вазифалар;
- турли ёзма матнлар намуналарини таҳлил қилишга қаратилган машқлар;
- ёзиш жараёнида эътиборга олиниши керак жиҳатлар:

ёзма иш режасини тузиш, дастлабки (хомаки) вариантини ёзиш, таҳрир қилиш, қайта ёзиш.

Эришиладиган натижалар

Биринчи курс якунида талаба:

- ёзиш жараёнини тўғри ташкил этиш, жумладан режа тузиш (режалаштириш), ишларни таҳрирқилиши, тузатишлар киритиши;
- ўтилган мавзулар бўйича матнларни ёзиши ва энг яхши ёзма иш намуналарини тўплаши;
- яхши ёзма иш хусусиятлари ҳақида тасаввурга эга бўлиши;
- ёзма нутқда ўз фикрини бемалол ифода қилиши;
- қисқа иншолар, баёнлар, кундалик ёзиш орқали мантиқий фикрлаш ва мустақил мушоҳада юритиш кўникмаларини эгаллаши лозим.

◆ Лингвистик курс: ёзма нутқ амалиёти модули – 2- курс

Тил билишнинг умумэтироф этилган меъёрларига кўра 2- курс якунида талабаларнинг В2 даража талабларига мос равишдаги турли матнларни ёза олиш қобилиятига эга бўлишлари назарда тутилади.

Иккинчи курс якунига келиб талабалар:

- ўз фикр ва мулоҳазаларини 2 курс га мўлжалланган иншо мавзулари бўйича ёзма баён этишлари;
- қиёсий, таҳлилий ва танқидий турдаги баёнларда ўз фикрларини асосланган тарзда ёзиш усуллари билан танишиб, амалда қўллашлари;
- умумий ва ўзларига яқин мавзудаги мақолаларнинг қисқачи мазмунини ёзиш;
- фикр- мулоҳаза ва ҳис-туйғуларини ифодалаган ҳолда хатлар ва аризалар ёзишлари;
- китоб ёки фильмларнинг мазмунини ёзма баён эта олишлари ва уларга қисқа тақриз ёзишлари;
- ўрганилаётган чет тилида ҳикоя ва шеърлар ёза олишлари лозим.

Ёзма нутқ амалиёти учун тавсия этиладиган матн турлари

Фактлар асосида ёзиш:

- баённомалар (масалан, ижтимоий тадқиқотлар, жамоа муаммолари, таълим жараёнига оид муаммолар ва б.)

Иншолар:

- тасвирий;
- ҳикоя тарзидаги;
- қиёсий;
- таҳлилий (сабаб ва натижаларни таҳлил қилиш);
- китоб ёки фильмларнинг қисқа тақризи;
- университет газетаси учун мақола

Хатлар ва бошқа мулоқот ҳужжатлари:

- турлимақсадли хатлар;
- расмий вана расмий хатлар;
- ёзма танқидий, рад жавоби (масалан, бизнесдаги ҳамкорига)
- норасмий электрон хатлар

Эришиладиган натижалар

Иккинчи курс якунига келиб талаба:

- турли жанрдаги матнларни, жумладан эсселар, хатлар, тадқиқотлар, баёнлар ва таҳлилларни ёзиши;
- аъло даражада ёзилган матн хусусиятларини фарқлаши ва уларни амалда қўллаши;
- турли мақсадларга йўналтирилган матнларда ўз фикрини ифода эта олиши лозим.

Баҳолаш турлари ва шакллари

3 – семестр :

Жорий баҳолаш - аудиторияда ва уйда бажариладиган вазифалар семестр давомида 2 та иншо қораламаси

Оралик баҳолаш - тушунтириш хати, газета муҳарририга хат

Якуний баҳолаш - 2 та иншо (ҳикоя, шеър)дан иборат портфолио

4 – семестр:

Жорий баҳолаш - аудиторияда ва уйда бажариладиган вазифалар семестр давомида 2 та иншо қораламаси

Оралик баҳолаш - фильм ёки асар таҳлили, ижтимоий муаммо таҳлили ҳисоботи

Якуний баҳолаш - 2 та иншо (ҳикоя, шеър)дан иборат портфолио

◆ **Лингвистик курс: ёзма нутқ амалиёти модули – 3- курс**

3-курс якунида талабалар CEFR B2-C1 даражаси талабига жавоб берувчи турли матнларни ёза олиш маҳоратига эга бўладилар.

Учинчи курс якунига келиб талаба:

- 500-1500 сўздан иборат мураккаб матн ёзиб, унда фикрини аниқ ва мантикий баён қила олиши;
- мақсадга кўра матн қатор турларини танлаши ва ёза олиши;
- иншо турларини, жумладан ҳал қилувчи жиҳатларни тасдиқловчи ва исботловчи далилларни ўз ичига олган баҳс -мунозарали ва ўз фикрини ифодаловчи иншолар ёзиш;
- ёзма нутқдаги турли услублардан маҳорат билан фойдаланиш;
- танқидий фикрларини чет тилида баён қилиш малакаларини ривожлантириш;
- ўз ёзма нутқини таҳрир қилиш ва текшириш орқали она тили интерференцияси муаммоларини анқилаш ва бартараф этиш;
- режалаштириш, баҳолаш, таҳрир қилиш ва қайта кўриб чиқиш малакасига эга бўлиши шарт.

Эришиладиган натижалар

Учинчи курс якунига келиб талаба қуйидаги билим, кўникма ва малакаларни эгаллаши кутилади:

Фактларга асосланган ёзма нутқ:

- ҳисоботлар (учрашув ҳисоботлари, ташриф ҳисоботлари);
- тадқиқот ҳисоботлари;
- яхши ва ёмон томонларини баҳолаш ва таҳлилий ҳисобот

Иншолар:

- фикр билдирувчи иншо;
- “қаршиёки қарши эмаслик фикрини баён этувчи” иншо
- баҳсмунозарали иншо тури
- танқидийбаёнлар 2-курсдагига қараганда батафсил ва кенг бўлишилозим;
- воқеа-ҳодисалар шарҳи;
- мақола шарҳи

Хатларва расмий ҳужжатлар:

- расмий хатлар;
- ариза;
- илова хати;
- тавсиянома;
- тушунтириш хати ва б.

Ўқишваўқитишгаёндашув

- топшириқларгаасосланганамалийиш;
- турли матнлар таҳлили (газета, журнал мақолалари)
- матнларни ўрганилаётган чет тили ва она тилида параллел, қиёслаганҳолда таҳлил қилиш;
- дарсданташқариёзмавазифалар;

Ёзма нутқ жараёни:

- ёзма нутқ учун тайёргарлик машқлари;
- дастлабки (хомаки);
- ўзаро қайта кўриб чиқиш;
- ўз-ўзини баҳолаш

5 – семестр

Жорий баҳолаш - проект ишлари ёки ижтимоий муаммоларга асосланган тадқиқот, расмий хатлар

Оралик баҳолаш - фикр билдирувчи иншо

Якуний баҳолаш - воқеа-ҳодисалар тўғрисида ҳисобот

6 – семестр

Жорий баҳолаш - баҳс- мунозарали эссе (иншо)нинг кенгайтирилган якуний варианты, газета мақоласини танқидий таҳлил қилиш

Оралик баҳолаш - маълумотларга асосланган танқидий баён

Якуний баҳолаш - ўзаро тақриз ёзиш, фикрини эркин баён қилиш

◆ Лингвистик курс: ёзма нутқ амалиёти модули – 4- курс

Модулнинг асосий мақсади 4 курсталабаларига битирув малакавий ишларини ёзиш, илмий ишни бошлаш босқичлари, ёзиш услубларини туғри қўллаш ва илмий матнни таҳрирлашни ўргатишдир. Битирув малакавий иш мавзулари илмий раҳбар томонидан талаба қизиқиши ва йўналишидан келиб чиқиб белгиланади.

Тўртинчи курсда ушбу модулни ўзлаштирган талаба:

- илмий иш режасини пухта тузишни;
- ўз илмий иши мавзусига оид адабиётлар билан танишиб, уларни таҳлил қилиши;
- ўз устида ва гуруҳдаги дўсти билан илмий иш мавзуси ва ёзиш услуби устида ишлашни;
- маълумотларни турли график ва жадвал шаклида тақдим этишни;
- илмий иш учун аннотация ёзишни;
- плагиат (кўчирмакашлик)нинг олдини олиш ҳамда унинг салбий оқибатлари ҳақида билиши;
- ўрганилаётган чет тили бўйича якуний давлат аттестациясига тайёргарлик кўриши лозим.

Модул мазмуни:

Илмий иш ёзиш

Муваффақиятли илмий иш таҳлили

- илмий ишнинг мақсади;
- кириш;
- адабиётлар таҳлили;
- плагиат, кўчирмакашлик
- қидириб топилган маълумотлартақдимоти;
- илмий хулосалар

Якуний давлат аттестациясига тайёргарлик

- ёзма нутқ амалиёти модули бўйича 3 - курс дастурини такрорлаши;
- якуний имтиҳон репетицияси

Талабалардан модулни ўзлаштириш жараёнида

- муваффақиятли илмий иш ёзиш кўникмасини намоён қилишлари;
- маълумотлар базасидан унумли фойдаланишлари ватанқидий ёндашишлари талаб этилади.

Модул бўйича талабалар билимини баҳолаш якуний имтиҳон натижаларига кўра белгиланади.

◆ Лингвистик курс: коммуникатив грамматика модули

Коммуникатив грамматика модули талабаларга 1- курсда ўқитилади.

Фаннинг асосий мақсади:

- ўрганилаётган тил грамматикасини мулоқотда тўғри қўллашни ўргатиш;
- мулоқот жараёнида грамматик формаларни тўғри қўллай олиш кўникмаларини шакллантириш;
- талабаларнинг тил моделлари ва структуралари ҳақидаги билимларини ошириш.

Коммуникатив грамматика модули бўйича билим, малака ва кўникмаларга қўйиладиган талаблар

Талабалар 1 курс якунига келиб:

- грамматик структуралар (содда, мураккаб ва қўшма гаплар ва ҳ.к.) ни мулоқотда қўллаш;
- структураларни фарқлай олиш, уларни оғзаки ва ёзма нутқда тўғри ишлатиш;
- ўрганилаётган тил грамматикаси модел ва структураларининг ўзига хос хусусиятларини ажрата олиш ва уларни ўзлаштириш учун ўз она тили тизими билан таққослаш;
- мулоқотда грамматик хатоларга йўл қўймаслик;
- мустақил равишда ўрганилаётган тил грамматикасига оид ўқув адабиётларидан унумли фойдалана олишлари лозим.

Коммуникатив грамматика модули мазмуни

- артиклар ва аниқловчилар;
- от (қўшма отлар, санокли/саноксиз отлар);
- олмошлар;
- феъл (м.н.: феъл замонлари, феъл майллари, нисбатлари, модал феъллар, феълли бирикмалар, феълнинг ноаниқшакллари: инфинитив, ҳозирги/ўтган замон равишдошлари, ҳ.к.);
- сифат (қиёсий даража, орттирма даража);
- равиш (равиш ясалиши);
- боғловчилар;
- синтаксис: содда, мураккаб ва қўшма гаплар: эргашган қўшма гаплар;
- грамматик категориялар: ўзлаштирма гаплар, фараз маъносини ифодалаш
- грамматик формалар/функциялар;
- сўроқ сўзлар, савол-жавоб ва инкор
- сон

Дастурнинг инфорацион-методик таъминоти

Грамматик билимлар фақат назарияга асосланган маълум қолипдаги қоидалардан иборат бўлмай, балки грамматик ҳодисанинг коммуникатив нутқда айнан қандай ва қайси ўринларда қўлланилиши орқали тушунтирилади. Бунда асосан қуйидагиларга:

- тил ўрганишга қаратилган машқларда ижтимоий-маданий мулоқот эътиборга олиниши;
- вазифаларга асосланган машқларда грамматика ва тил функциялари табиийроқ қўлланилган ва талабалар уларни ўз кундалик нутқларида ҳам қўллай олишлари;
- матнга асосланган машқлар ҳам ўқиш ҳам тинглаб тушунишни ўз ичига олиши, шу орқали талабага грамматикани ва функцияларни қўллай олишни ўргатиш;
- ўрганилаётган чет тили грамматикаси моделларини ажрата олиш ва уларни ўз она тили грамматик тизими билан таққослашга эътибор қаратилади. Бу мақсадларга эса тинглаб тушуниш ва ўқишга мўлжалланган каттароқ ҳажмдаги матнлар устида ишлаш орқали эришиш мумкин

Кутилаётган натижалар

Талабалар:

- мулоқот мазмунли ва жарангдор чиқиши учун грамматик шаклларни тўғри қўллай олишлари;
- грамматика бўйича мустақил тил ўрганиш стратегияларини эгаллайдилар.

Талабалар билимини баҳолаш турлари ва мезонлари

- баҳолаш предмети: ўтилган грамматик моделлар ва мавзулар.
- баҳолаш усуллари ва методлари: турли тест методларидан ташкил топган тестлар (матнларга асосланган машқлар: матнни тўлдириш, хатоларни аниқлаш ва ҳ.к.)
- жорий назорат (аудиторияда бажариладиган машқ ва топшириқлар, уй вазифалари, портфолио, кундалик, лойиҳалар, интервью ва ролли ўйинлар);
- оралик назорат (матнга асосланган вазифалардан иборат турли тест методларидан фойдаланиб тузилган тестлар, интервью ва ролли ўйинлар);
- якуний назорат (матнга асосланган вазифалардан иборат турли тест методларидан фойдаланиб тузилган тестлар, интервью ва ролли ўйинлар);

Коммуникатив грамматика модули давомида эгалланган билим ва кўникмалар сўзлашиш ва ёзувни баҳолаш мезонларида ҳам ўз аксини топиши мумкин.

◆ Лингвистик курс: коммуникатив лексика (сўз бойлигини ошириш) модули. 1 – курс

Коммуникатив лексика 1-4 семестрлар давомида ўқитилади.

Фаннинг мақсади:

- луғат бойлигини ошириш;
- ўрганилаётган чет тили лексикасининг мулоқотдаги хусусиятларини фарқлаш ва ишлата билиш кўникмаларини ривожлантириш;
- луғат бойлигини бойитиб боришнинг мақбул усулларидан фойдаланишни ўргатиш

Коммуникатив лексика модули бўйича билим, малака ва кўникмаларга қўйиладиган талаблар

1- курс сўнггида талабалар қуйидаги:

- ўзларига таниш бўлган мавзу контекстида сўз маъносини англаш (воқеалар баёни, ҳис-ҳаяжон, мақсад, истак, хоҳиш ва ҳ.к.);
- таниш, иш ва кундалик ҳаётга тааллуқли бўлган мавзуларда (оила, сеvimли машғулот, иш, саёҳат ва ҳ.к.) сўз ва ибораларни тўғри қўллай олиш;
- ўрганилаётган чет тилидаги сўзлар талаффузи хусусиятларини (интонация, урғу ва ҳ.к.) фарқлаш;
- шахсий хусусият ва имкониятларидан келиб чиқиб луғат бойлигини оширишнинг мутаносиб усуллари танлаш;
- луғат бойлигини ошириш учун манбалар (луғатлар, регистерлар, сўз кўрсаткичлари ва бошқалар) дан фойдаланиш кўникма ва малакаларга эга бўладилар.

Коммуникатив лексика модули мазмуни

1- курсда ўрганиладиган мавзулар доирасида:

- синонимлар, антонимлар, омонимлар;
- сўз оилалари (мас., ҳайвонот оламига оид сўзлар);
- турғун бирикмалар;
- идиомалар;
- адабий тил ва шева (диалект) ўртасидаги фарқлар;
- фразеологик иборалар;
- лексик системалар;
- сўз ясашиши хусусиятлари;
- қисқартмалар;
- предлоглар

Дастурнинг информатив-методик таъминоти

- кенг қамровли луғат бирликлари билан таништириш мақсадида манбалар (материаллар)ни тўплаш ва талабаларни таъминлаш. (талабалар ўқиб ёки тинглаб янги сўзларни ўрганиш орқали сўз бойликларини оширишлари учун). Бундай машқларда асосий эътибор янги сўзлар ва лексик бирликларга қаратилади. Шу сабабли материаллар ёзма ва оғзаки матн кўринишида бўлиши мумкин.

- **сўз маъносини контекстда тушуниш учун матнга асосланган вазифалар.** Бу турдаги машқ ва топшириқлар сўзларни алоҳида сўз рўйхати сифатида эмас, балки тил системасининг уйғун қисми сифатида ўрганишга имкон беради.
- **луғат бирликларидан контекстда фойдаланишга мўлжалланган машқлар.** Бу турдаги машқлар талабаларнинг ўз шахсий хусусиятларини (ҳаёт тарзи, шахсий қизиқишлари, ва ҳ.к.) эътиборга олиб тил ўрганишларини таъминлайди.
- **билимни шакллантирувчи машқлар.** Бундай машқлар талабаларнинг ижтимоий-маданий мулоқотда луғат бирликларини ишлатиш нормаларидан хабардор бўлишлари ва бу нормалардан ўринли фойдаланишларини таъминлаши лозим.

Кутилаётган натижалар

Талабалар:

- 1-курсада муҳокама этилган мавзуларга тегишли актив ва пассив лексикани ўзлаштирадilar;
- маълум мавзулар бўйича мулоқот олиб бориш учун етарли даражада луғат бойлигига эга бўладilar.

Талабалар билимини баҳолаш турлари ва мезонлари

- баҳолаш предмети:
курс мазмунида келтирилган луғат бирликлари

- баҳолаш усуллари ва методлари:

турли методлардан фойдаланиб тузилган тестлар (матнга асосланган вазифалар (мас., матнни тўлдириш, хатони топиш ва ҳ.к.) интервью, ролли ўйинлар, портфолио ва ҳ.к.); талабаларнинг ўз-ўзини баҳолаш жараёни (сўровномалар, портфолио, кундалик тутиш ва ҳ.к.);

- баҳолаш турлари:

Жорий назорат - аудиторияда бажариладиган машқ ва топшириқлар, уй вазифалари, портфолио, кундалик, проектлар, интервью ва ролли ўйинлар);

Оралик назорат - матнга асосланган вазифалардан иборат турли методлардан фойдаланиб тузилган тестлар, интервью ва ролли ўйинлар;

Якуний назорат - матнга асосланган вазифалардан ташкил топган тестлар.

◆ **Лингвистик курс: коммуникатив лексика (сўз бойлигини ошириш)**
модули. 2 – курс

Фаннинг мақсад ва вазифалари:

- луғат бойлигини ошириш;
- талабаларнинг сўзларни ўрганиш ва мулоқотда қўллай олиш қобилиятларини ривожлантириш;
- янги сўзларни ўрганиш ва ёдда сақлашнинг мос усуллардан фойдаланишга ўргатиш.

Кутилаётган натижалар:

Иккинчи курс якунига келиб талаба:

- шахсий қизиқишлари, касбий йўналиши ва ижтимоий-маданий мавзулардаги сўзларнинг маъносини билиши;
- сўз ва ибораларни шахсий қизиқишлари, мутахасислиги ва ижтимоий-маданий мавзуларда тўғри қўллай олиши;
- шахсий қизиқишлари, мутахасислиги ва ижтимоий-маданий мавзуларда қўлланиладиган сўзларнинг талаффуз қоидаларини ўзлаштириши ва мулоқот жараёнида ишлатиши;
- турли контекстларда сўз ва ибораларнинг қўлланилишини ўрганишда манбалардан (луғатлар, сўзлар мослашуви) унумли фойдалана олиши;
- ибора ҳамда оғзаки нутқда қўлланиладиган сўзларнинг кўчма ва тўғри маъносини билиши ва тўғри қўллаши;
- сўзларни контекстга мос услубда танлай олиш ҳамда улардан оғзаки ва ёзма мулоқотда эркин фойдаланиш малакасини эгаллайди.

Коммуникатив лексика модули мазмуни

2 курсда ўтиладиган мавзулар доирасида:

- услубларни бир-биридан фарқлашга йўналтирилган қатор идиоматик ифодалар ва оғзаки сўзлашувдаги сўзлар;
- жаргон ва идиомаларни қўллаш;
- ибора ва ифодаларни мулоқотнинг турли вазиятларида ишлата олиш (мулоқотга киришиш учун сўз навбати олиш, вақтдан ютиш мақсадида муқаддима ва хулоса ибораларини ишлатиш каби);
- тингловчини чалғитмаган ҳолда сўзларга эквивалент бўлган терминларни қўллаш;
- лексик боғлиқлик - синоним, антоним, омонимларни ўринли қўллаш олиш;
- лексик бирликлар;
- маълум мавзуга доир сўзлар йиғиндиси (*атроф-муҳит, инсон характери ва б.*);
- ўзгармас иборалар ва лексик бирликлар;
- маълум бир сўзнинг диалектларда турлича қўлланилиши;
- фразеологик бирликлар, феъллар;
- сўз ясалишининг ўзига хос хусусиятлари;
- қисқартма сўзлар;
- сўз бирикмалари;
- қариндош ва бир оилага мансуб сўзлар;
- профессионал ва академик терминология
- контекстга мос бўлган ҳамда корпус-анализ базасидаги сўзларни тўғри ишлатиш;
- луғат билан ишлай олиш (бир ва икки тилли, китоб/электрон/онлайн луғатлар);
- нотаниш сўз маносини контекстдаги маъносига кўра тахминан аниқлай олиши;
- ўрганишнинг турли усуллари (ёдлаш, кунлик режа, ассоциация орқали ўрганиш ва ҳоказо) дан тўғри фойдалана олиши лозим.

Ўқитиш ва ўрганиш методлари

- сўзларнинг маъносини контекstdан топиш учун ёзма машқлар;
- сўзларни контекstdа ишлатиш учун матнга асосланган вазифалар;
- ўзлаштирилган билимларни мустаҳкамлаш ва такомиллаштиришга мўлжалланган топшириқлар;
- луғатдан тўғри фойдаланишга асосланган машқлар;
- сўзларни турли матнда ишлатиш усуллари.

Талабалар билимини баҳолаш турлари ва мезонлари

Жорий баҳолаш

- дарсда қатнашиш;
- сўзларни контекstdа ишлатиш учун машқлар (матн/жадвал тўлдириш, муайян феълларни қўллаш учун саҳна кўринишлари);
- нотаниш матндан сўзларнинг маъносини топишга йўналтирилган машқлар (сўз ясалиши, мослаштириш, сўзларнинг контекstdа қўлланилган маъносини фарқлай олиш учун манбалардан фойдаланиш (луғатлар))

Оралик баҳолаш

- билимни ўзгарганини аниқлайдиган тест 1 (билим ҳам стратегияга асосланган)
- тест 2

Якуний баҳолаш

- якуний тест(билим ҳам стратегияга асосланган)

◆ Дискурс (матн) таҳлил модули

Модулнинг мақсад ва вазифалари

ўрганилаётган чет тилидаги матнларни таҳлил қилиш йўллари ва усуллари; матнларни таҳлил қилиш борасидаги турли нуқтаи назарларни ва матн таҳлилида эътиборга олиниши лозим жиҳатларни ўргатишдан иборат.

Талаба фанни ўзлаштирганидан сўнг;

ўрганилаётган чет тили тилидаги ёзма ва оғзаки матнларни қиёслаш олиши;

турли матнларнинг фонологик, лексик, грамматик хусусиятларини билиши;
ёзма матнларнинг ўзига хос хусусиятларини ажрата олиши;
оғзаки нутқ ва ёзма матнларга хос хусусиятларни фарқлай олиши ва мулоқотда тўғри қўллаши;

матндаги социолингвистик аспектларни ажрата олиши лозим

Модул мазмуни

Модулни ўқитишда ўрганилаётган чет тили ёзма матнларининг турли кўриниш ва турларидан, шунингдек, оғзаки мулоқот жараёнида қўлланиладиган усуллардан кенг фойдаланилади.

Ёзма дискурс (матн):

- турли жанрларнинг ўзига хос хусусиятлари (масалан, илмий-оммабоп асарлар, газетамақолалари, бадиий адабиёт ва б.)
- ўзаро лексик муносабат (лингвистик омилларнинг қўлланилиши);
- матнда сўзлар мутаносиблиги;
- расмий, норасмий, махсус матнлар;
- грамматика ва дискурс; (матнда грамматик категорияларнинг қўлланилиши)
- ёзма нутқда грамматика ва лексикани қўллаш (матн тузишда сўз ва грамматик категорияларни танлашга таъсир қўрадиган асосий омиллар (масалан: аудитория, матннинг қандай аудитория ва ким учун мўлжалланганлиги, ёзма матннинг мақсади ва ҳ.к.);

Оғзаки дискурс (матн):

- нутқ ва унинг функциялари ҳамда уларнинг ўзига хос хусусиятлари:
- *оғзаки мулоқот* - телефон суҳбатлари (бизнес ёки шахсий масалаларда), хизмат кўрсатиш шахобчалари (дўконлар, кассалар ва ҳ.к.), интервьюлар (ишга кириш, журналист сифатида, расмий вазиятларда), кундалик мулоқотлар (нотаниш кишилар, дўстлар, қариндошлар), кишиларга йўл кўрсатиш, маслаҳат бериш (ишда, уйда, кўчада);
- *оғзаки нутқ* - *монологлар* (нутқлар, ҳикоялар, ҳазил-мутуйибалар), иш-ҳаракатни ифодаловчи тил бирликлари (иш-ҳаракат бажарилаётгандаги нутқ: бирон нарсани тузатиш жараёнида, овқат тайёрлаётганда, бирон нарса ясаётганда ҳ.к.), аудиторияда (мактаб синфхонасида) қўлланиладиган нутқ (дарсда, семинар машғулотларида, маърузаларда, қўшимча дарсларида);
- грамматика ва оғзаки дискурс (олдиндан тайёрланмаган нутқда грамматиканинг ўрни);
- оғзаки нутқнинг фонологик хусусиятлари: урғу, интонация, пауза ва б.
- мулоқотнинг ўзига хос хусусиятлари: мулоқот сўзлашиш, сўзларда боғлиқликни таъминлаш: иккиланиш ва прагматик стратегиялар (гапни тўлдириш ёки изоҳ бериш);

Социолингвистик омиллар

- мулоқот таҳлили: мулоқот жараёнида бошқа мавзуга йўналтириш стратегиялари (усуллари);
- тил ва жинс: хотин қизлар нутқи ва эркек киши нутқи ўртасидаги фарқ ва уларнинг ўзига хосликлари;
- новербал мулоқот: мимика ва жестлар тили, кўз орқали мулоқот, имо-ишоралар.

Ўқитиш ва ўрганиш усуллари

Ушбу курсни ўқитишда асосий эътибор тилнинг турли ўринларда турлича қўлланилишига қаратилади. Фанни ўқитишда қуйидаги усул ва воситалардан фойдаланиш тавсия этилади:

- топшириқларга асосланган машқлар;
- матнларга асосланган вазифалар;
- талаба фаоллигини оширишга йўналтирилган топшириқлар;
- мини – маърузалар;
- дискуссиялар;

- ўрганилган билимларни мустаҳкамлаш ва такомиллаштиришга қаратилган вазифалар;
- мустақил таълим

Қутилаётган натижалар

Фанни ўзлаштирганидан сўнг талаба:

- оғзаки ва ёзма матнларнинг ўзига хос хусусиятларини фарқлаб, таҳлилқилиши ҳамда мазмунли мулоқот учун матн тузишда қўллаши;
- турли ёзма матн ва жанрларни услуб ва хусусиятларига кўра ажрата олиши;
- матнларда грамматик ва лексик тамойилларга амал қилиши ҳамда оғзаки нутқда сўзларни (фонетика) тўғри талаффуз қилиши шарт.

Баҳолаш турлари ва шакллари

3 - семестр

Жорий назорат - талабанинг дарсдаги иштироки, матн таҳлили бўйича вазифалар;

Оралий назорат - ёзма ва оғзаки матн таҳлили

Якуний назорат - матн таҳлиliga асосланган якуний ёзма иш

4 - семестр

Жорий назорат - талабанинг дарсдаги иштироки, матн таҳлили бўйича вазифалар;

Оралий назорат - ёзма ва оғзаки матн таҳлили (талабанинг шахсий мулоҳазалари асосида);

Якуний назорат - портфолио (ёзма ва оғзаки материаллар)

◆ Ўрганилаётган чет тили халқаро мулоқот тили сифатида модули

Курснинг мақсад ва вазифалари

- ўрганилаётган чет тилининг халқаро тил сифатида мулоқотда қўлланилиш даражаси ва тилнинг ривожланиш босқичлари;
- ўрганилаётган чет тилида сўзлашувчи мамлакатларда тил вариантларининг ўзига хос қўлланилиш усуллари ҳақида маълумот бериш.

Курсни ўзлаштирганидан сўнг талаба:

- ўрганилаётган чет тилининг халқаро тил сифатида шаклланишига таъсир кўрсатган лингвистик, тарихий, социал ва маданий омиллар ҳақида билимларга эга бўлади;
- ўрганилаётган чет тилидан давлат тили (она тили) сифатида, иккинчи расмий тил (вариантлар) ёки ундан хорижий тил сифатида ўрганиб, фойдаланиш ўртасидаги фарқ ва ўхшашликларни ажрата олиши лозим.

Модул мазмуни

Фанни ўқитишда қуйидаги мавзуларга эътибор қаратиш тавсия этилади:

- глобаллашув ва ҳозирги кунда ўрганилаётган чет тилининг мулоқотда халқаро тил сифатида ишлатилиши ;
- ўрганилаётган чет тилининг халқаро жамиятда эътироф этилган тил сифатида қўлланилиш даражаси (социал ва сиёсий омиллар - бунда ўрганилаётган чет тилининг узоқ тарихига эмас, балки ҳозирги мақомига кўпроқ эътибор қаратилади);
- тилдаги ўзгаришлар ва унга таъсир этувчи омиллар (м.н. интернет, бизнес, дипломатия ва ҳ.к.);
- ўрганилаётган чет тилининг келажаги;
- тил вариациялари
 - ўрганилаётган чет тили она тили сифатида, расмий иккинчи тил сифатида ва хорижий тил сифатида;
 - тил вариантларини тенг қабул қилиш (масалан, фикрни стандарт (адабий) тилда ёки ўз варианты (диалекти) да баён қилишга мажбурламаслик);
 - ўрганилаётган чет тилини ўргатишда стабил вариантни танлаш;

Ўқитиш ва ўрганиш усул ва воситалари

- топшириқларга асосланган ўрганиш (м.н. тил вариантлари таҳлили);
- дискуссиялар;
- тадқиқотлар;
- мустақил ўқиш;
- тақдимотлар

Кутилаётган натижалар

Талаба:

- ўрганилаётган чет тилининг халқаро мулоқот тили сифатида шаклланишига сабаб бўлган тарихий, ижтимоий ва сиёсий сабаблар ҳақида зарурий билимларга;
- ўрганилаётган чет тили вариантларини бир-биридан ажрата олиш;
- тилни ўқитиш ва ўрганишда мақсадларига қараб ўрганилаётган чет тили вариантларидан мосини танлаш малакасини эгаллайди.

Баҳолаш турлари ва шакллари

Жорий назорат - талабанинг дарсдаги иштироки, тил вариантлари (диалект) борасида ўзи ўтказган тадқиқот натижасида ҳисобот;

Оралиқ назорат - тақдимот

Якуний назорат - таҳлил

◆ Мустақил таълим кўникмалари модули

Фаннинг мақсад ва вазифалари

Талаба:

- олий таълим муассасасида таълим олишнинг ўзига хос жиҳатлари;
- ўз шахсий хусусиятларидан келиб чиқиб, ўқиш ва ўрганиш усулларини танлаш мустақил танлаш;
- таълим олишда рефлексиянинг аҳамиятини тушуниш;
- ўз-ўзини баҳолаш, билимларини такомиллаштириш учун мақсад ва келгуси режаларни туза олиш;
- олий таълим тизимидаги ўқув жараёнига ўз вақтини тўғри режалаштириш, стресс билан курашиш, вазифаларни ўз вақтида бажариш ва имтиҳонларга тайёргарлик кўриш;
- таълим олиш, шунингдек, келгуси касбий фаолияти билан боғлиқ малака ва кўникмаларини мунтазам такомиллаштириб бориш йўлларини ўрганади.

Фан мазмуни

Мустақил таълим кўникмалари модули талабаларни олий таълим тизимида ўқиш жараёни ҳамда фанлараро боғлиқлик масалалари билан таништиради. Жумладан, ўқиш билан боғлиқ рефлексия, мустақил қарор қабул қилиш, ўзини англаш, билимларини мустақил равишда мустаҳкамлаш, университет ҳаёти ва ўқиш жараёни, вақтни тўғри режалаштириш каби масалаларни ўз ичига олади. Мустақил таълим кўникмалари модули ўқув режадаги бошқа фанларнинг таркибий қисми саналади. Мазкур фанни ўқитишда фанлараро боғлиқликка жиддий эътиборга қаратилади. Фанни ўқитишда

- Мустақил бўлишга ҳаракат қилиш
 - умумий ўрта ва ўрта махсус (мактаб, лицей, коллеж ва олий таълим тизимларида ўқув жараёни ва уларнинг фарқли жиҳатлари);
 - ўқитувчига тобелик тамойилидан талаба мустақиллигига томон йўл;
 - мустақил бўлиш (билимларни мустақил ўзлаштириш) аҳамияти;
- Таълим олиш услублари ва мойилликлари
 - сенсор таълим услублари (визуал, аудио, кинестет, тактил);
 - таълим услубларининг Хани ва Мамфорд таснифи (назариётчи, фаол иштирокчи, рефлектор, прагматик);
 - интроверт ва экстроверт;
 - яхши билим олиш учун таълимнинг самарали услубларидан оқилона фойдаланиш.
- Ўз-ўзини баҳолаш
 - ўзининг тил билиш даражасини умумэътироф этилган халқаро меъёрлар (CEFR) га мувофиқ баҳолаш;
- Мақсадларни тўғри қўйиш
 - СМАРТ мақсадлар;
 - чет тилини ўрганишдан мақсадни тўғри белгилаш

Рефлексия:

- таълим муассасаси ва ундан ташқарида вақтдан унумли фойдаланиш;
- стресс (руҳий зўриқиш) га қарши курашиш;

Вазифалар устида ишлаш

- вазифаларни аниқлаш ва персонализация қилиш;
- кутубхоналардан унумли фойдаланиш;
- интернетдан мақсадли ва самарали фойдаланиш;
- плагиат (кўчирмакашлик) га йўл қўймаслик.
- хотирани яхшилаш;
- имтиҳон ва тестга тайёргарлик кўриш;
- келгуси ишларни режалаштириш;
- таълим кўникмаларини босқичма-босқич эгаллаб бориш;
- мустақил бўлишга ҳаракат қилиш.

Ўқитиш усуллари

- амалий вазифалар;
- мустақил ўқиш;
- долзарб мавзулар муҳокамаси;
- матнлар /мақолалар/видео материалларни биргаликда танқидий муҳокама қилиш;
- таълим олиш жараёнига одатланиш;
- талаба портфолиоси

Кутилаётган натижалар

Курс якунига келиб талаба:

- мустақил таълим олиш тушунчаси ҳақида тасаввурга эга бўлади;
- таълим олиш жараёнида мустақил таълимнинг турли стратегияларидан фойдаланади ва уларни татбиқ эта олади.

Баҳолаш турлари ва шакллари

Жорий назорат

- талабанинг дарсдаги иштироки;
- талаба портфолиоси:
 - вазифа 1
 - вазифа 2
 - вазифа 3

Оралик назорат

Кутубхона тадқиқ этиш ва ундан фойдаланишнинг самарали йўл ва усулларини ёритиб бериш.

Якуний назорат

- талаба портфолиоси:
- вазифа 4
- кейс стади

◆ Аудиторияда ўқитувчи нутқи модули

Фаннинг мақсади талабаларни аудиторияда ўргатилаётган чет тилидан асосий алоқа воситаси сифатида самарали фойдаланишга эришишларини таъминлашдир.

Курсни ўзлаштирганидан сўнг талаба:

- чет тили ўқитувчисига хос тил кўникмаларини амалий тарзда қўллаш;
- чет тилида кўрсатмалар бериш, маълумот олиш ва дарсни бошқариш;
- дарс жараёнида она тилидан фойдаланиш ўринлари;
- чет тилида дарс олиб боришнинг зарур ижтимоий, шахсий ва ташкилий масалалари;
- аудиторияда ҳаракатланиш, мос овоз ва оҳангда гаплашиш;
- чет тилида дарс олиб бориш намуналарини танқидий нуктаи назар билан таҳлил қилиш малака ва кўникмаларини эгаллайди.

Модул мазмуни:

Ўқитувчининг аудиторияга мос жисмоний ҳолати

- ◆ хатти-ҳаракатлар;
- ◆ овоз;
- ◆ оҳанг

Аудиторияда чет тилини қўллаш

- ◆ чет тили муҳитини яратиш;
- ◆ аудиторияда қўлланиладиган тил;
- ◆ саволлар бериш;
- ◆ кўрсатмалар бериш;
- ◆ оғзаки изоҳ бериш;
- ◆ она тилидан фойдаланиш

Дастурнинг информацион-методик таъминоти

- амалий топшириқ;
- мавзу юзасидан муҳокама;
- берилган мавзуларга оид адабиётларни ўқиш;
- мустақил иш;
- чет тилини ўрганаётган талаба ва бўлғуси ўқитувчи сифатида ўтилганлар юзасидан таҳлилий ҳисобот тайёрлаш;
- муаммоли вазиятга ечим топиш;
- дарсларни кузатиш;
- дарс ўтиш машқи

Талабалар билимини баҳолаш турлари ва шакллари

Жорий назорат - дарс кузатувида асосланган ҳисобот

Оралик назорат - дарс ўтиш (тайёргарлик, аудиториядаги нутқи, ўзини тутиши ва б.)

Якуний назорат - дарс ўтиш машқи юзасидан таҳлилий ҳисобот

◆ Методик курс: тил ўрганиш жараёнлари

Фаннинг мақсади талабаларни чет тили ўрганиш назариялари ва ўқитиш методлари билан таништириш ҳамда улардан амалда фойдалана олишларини таъминлашдир.

Курснинг якунига келиб талабалар:

- чет тилини ўрганиш борасидаги муҳим масалалар ва илмий изланишларнинг натижалари ҳақида зарурий маълумотларни;
- соҳага оид адабиётларни ўқиш, муҳокамалар ва ёзма вазифалар ёрдамида тўплаган билимларини ўз тил ўрганиш ва келгуси ўқитиш жараёнларида амалий қўллашни;
- чет тилини ўрганиш назарияларини амалий тажрибалари билан боғлаган ҳолда ўз тил ўрганиш жараёнларини таҳлил қилишни ўрганадилар.

Модул мазмуни

Мазкур курс чет тилини ўрганиш ва ўқитиш усуллари, чет тили ўрганиш жараёнининг ижтимоий, психологик ва лингвистик ҳодиса эканлиги ҳақида умумий маълумотларни беради. Фанни ўқитишда чет тили ўқитиш методикаси назариялари ва уларнинг амалий қўлланилишига алоҳида эътибор қаратилади.

Кириш

- ◆ чет тили, уни ўрганиш ва ўқитиш;
- ◆ тил ўрганувчининг хусусиятлари

Тил ўрганишдаги когнитив омиллар

- ◆ трансфер, интерференс ва умумлаштириш ҳодисалари;
- ◆ индуктив ва дедуктив тил ўрганиш;
- ◆ қобилият ва интеллект;
- ◆ тизимли ёддан чиқариш ҳодисаси.

Чет тилини ўрганиш услублари ва стратегиялари

- ◆ чет тилини ўрганиш услублари;
- ◆ чет тилини ўрганиш стратегиялари;

- ◆ мулоқот стратегиялари.

Тил ўрганишда психологик омиллар

- ◆ ўзини ҳурмат қилиш;
- ◆ тортинчоқлик;
- ◆ таваккалчилик;
- ◆ ҳаяжон;
- ◆ муносабат ва мотивация

Тил ўрганишдаги хатолар

- ◆ хато турлари;
- ◆ хатоларни аниқлаш ва тасвирлаш;
- ◆ хатолик сабаблари;
- ◆ турғун хатолар.

Чет тилини ўрганишда ёш хусусиятлари

- ◆ қиёслаш ва таққослаш турлари;
- ◆ ёш гипотезаси;
- ◆ билингвизм.

Дастурнинг информацион-методик таъминоти

- амалий топшириқ;
- мавзу юзасидан муҳокама;
- берилган мавзуларга оид адабиётларни ўқиш;
- чет тили ўрганувчиси кундалигини юритиш;
- мавзуга доир кичик маъруза;
- дебат;
- мақола муҳокамаси;
- мустақил иш;
- чет тилини ўрганаётган талаба ва бўлғуси ўқитувчи сифатида ўтилганлар юзасидан таҳлилий ҳисобот;
- муаммоли вазиятга ечим топиш.

Қутилаётган натижалар:

Курс якунида талаба:

- чет тилини ўрганиш борасидаги назарияларини амалда қўллай олади;
- тил ўрганиш ва ўқитиш методлари, ёндашувлар ва усуллар ҳақида зарурий билимларни ўзлаштиради;
- чет тили ўрганувчиси кундалигини юритиш орқали тил ўрганиш жараёнлари тўғрисида қатор ҳисоботлар тайёрлайди;
- чет тилини ўрганиш ҳақидаги тушунчалар, методлар ва моделларни ўз амалий тажрибаларида, яъни муҳокама, топшириқ ва муаммоли вазиятларда қўллашни ўрганади.

Талабалар билимини баҳолаш турлари ва шакллари

Жорий назорат – талабанинг дарсдаги иштироки ва дебатлар;

Оралик назорат - чет тили ўрганувчиси кундалигини юритиш;

Якуний назорат - чет тили ўрганувчиси ҳақида батафсил ёзма ҳисобот.

Методик курс: чет тилини ўқитиш тамойиллари ва ёндашувлар

Фаннинг мақсади

- талабарни чет тилларни ўқитиш усул ва методларининг тарихий босқичлари билан таништириш;
- чет тилини ўқитишдаги турли усул ва методлардан қўзланган мақсадлар, уларнинг ижобий ва салбий томонларини фарқлаш ва амалда улардан ўринли фойдалана олишга ўргатиш;
- тил ўқитишнинг замонавий, илғор ва самарали методлари ҳақида батафсил маълумот бериш ҳамда талабаларнинг ушбу методлардан дарс жараёнида фойдаланишларини таъминлаш.

Фанни ўзлаштирганидан сўнг талаба:

- чет тили ўқитиш методлари ва уларнинг тарихий ривожланиш босқичлари ҳақида батафсил маълумотга эга бўлиб, танқидий ёндашувлар асосида таҳлил эта олади;
- чет тили ўқитиш методларини мантиқан баҳолаб, тил ўқитилаётган гуруҳ учун мос усулни танлай олади;
- чет тилларни ўқитиш жараёнида турли метод ва услублардан кенг фойдаланиш малакасини эгаллайди;

Модул мазмуни

- ◆ чет тилларни ўқитиш услублари ўртасидаги фарқлар;
- ◆ тил ўқитиш замонавий усулларининг амалиётда қўлланилиши;
- ◆ чет тилини ўргатишда хорижий тажрибалар:
 - грамматик-таржима услуби;
 - дарсни тўлиқ чет тилида ўтиш услуби;
 - аудио-лингвистик услуб (эшитиб гапириш);
 - коммуникатив услуб.
- маҳаллий муҳитда қўлланилаётган услублар ва уларнинг таҳлили:
 - дидактив ва индуктив грамматика;
 - таржима орқали тил ўқитиш;
 - қайта гапириб бериш;
 - фонемалар ва фонетик усуллар;
 - матнларни ёдлаш;
 - ўқитувчидан сўнг такрорлаш;
 - коммуникатив машқлар ёрдамида тил ўрганиш;
- турли услубларнинг ижобий ва салбий жиҳатлари муҳокамаси;
- тил ва маданият;
- ўқитиш/ўрганиш жараёнлари;
- чет тилини ўрганишда она тилининг ўрни;
- чет тили ўқитишнинг психологик асослари

Дастурнинг информацион-методик таъминоти

- топшириқларга асосланган амалий машғулотлар;
- баҳс ва мунозарага асосланган вазифалар;
- белгиланган мавзу юзасидан адабиётларни ўқиш;
- мақолалар муҳокамаси;
- чет тили ўқитиш методлари таҳлили.

Баҳолаш турлари ва шакллари

Жорий назорат - талабанинг дарсдаги иштироки, аудитория ва уйда бажариладиган вазифалар, баҳс-мунозара ва тақдимотлар.

Оралиқ назорат - 2 та ёзма топшириқ ва 1 та оғзаки тақдимот.

Якуний назорат - чет тили ўқитиш методларига бағишланган танқидий, таҳлилий иншо.

◆ Методик курс: тил кўникмаларини интеграллашган ҳолда ўқитиш

Мазкур модулда тил кўникмаларини интеграллашган ва коммуникатив тарзда ўқитиш назарияси ва амалиётини бирлаштирган ҳолда дарсни ташкил этиш масалаларига асосий эътибор қаратилади.

Фаннинг мақсади:

- талабаларни тўртта тил тил кўникмаларини уйғунлаштирган ҳолда амалда қўллашга ўргатиш;
- тил кўникмаларини интеграллашган ҳолда ўқитиш услубларинининг афзалликлари ҳақида маълумот бериш ва келгуси касбий фаолиятларида дарсни шу усулда ташкил этишларини таъминлаш.

Курсни ўзлаштирганидан сўнг талабалар:

- мулоқотда ишлатиладиган тил кўникмалари ва усуллари;

- интеграллашган тил кўникмаларини амалда қўллаш (маъно-мазмун асосида ўрганиш, топшириқлар асосида ўрганиш, лойиҳалар билан ишлаш);
- мулоқотга қўналтирилган услуб орқали ўқиш, тинглаш, ёзиш ва гапириш кўникмаларини ривожлантириш;
- ўқиш, тинглаш, ёзиш ва гапириш кўникмаларини интеграллашган тарзда ўқитиш услуб ва предметлари бўйича малака ва кўникмаларга эга бўладилар.

Модул мазмуни

- кўникмалар интеграциясининг ривожланиш босқичлари;
- тил кўникмалари интеграцияси таҳлили

Тинглаш кўникмаси

- тинглаш малакасини ошириш;
- ҳаётий мавзуларга оид тинглаш машқлари билан ишлаш
- тинглаш жараёнидаги қийинчиликларни аниқлаш ва бартараф этиш;
- тинглашдан олдин, тинглаш жараёнида ва тинглашдан сўнг бажариладиган топшириқ ва вазифаларни ишлаб чиқиш;
- дарс режасига фонетик элементларини киритиш.

Гапириш кўникмаси

- муваффақиятли оғзаки мулоқот амалиёти;
- баҳс-мунозара учун материаллар тайёрлаш;
- равон ва хатосиз сўзлашиш амалиёти;
- ўзаро мулоқот, мулоқот турларини фарқлаш

Ўқиш кўникмаси

- ўқишдан олдин, ўқиш жараёни ва ундан сўнгги жараён учун вазифалар тайёрлаш;
- мос келувчи ўқув материалларини танлаш;
- газета ва журналлардан олинган материаллардан фойдаланиш ва уларнинг аҳамияти;
- талабаларни мақсадга йўналтирилган тарзда ўқишга ўргатиш

Ёзиш кўникмаси

- чет тилини ўрганишда ёзма нутқнинг аҳамияти ва унга таъсир этувчи омиллар;
- ёзма нутқ стратегиялари билан таништириш;
- ёзма нутқ мақсадлари билан таништириш;
- ёзма нутқда оригиналликни сақлаш;
- фикр-мулоҳазаларни жамлаш услублари.

Кўникмалар интеграцияси

- тилнинг тўрт кўникмаси интеграцияси;
- мазмун интеграцияси;
- топшириққа асосланган интеграция;
- лойиҳаларга асосланган интеграция

Дастурнинг информацион-методик таъминоти

- топшириқларга асосланган амалий машғулотлар;
- баҳс ва мунозарага йўналтирилган вазифалар;
- белгиланган мавзу юзасидан адабиётларни ўқиш;
- мақолалар муҳокамаси;

Баҳолаш турлари ва шакллари

Жорий баҳолаш – талабанинг дарсдаги иштироки, машқлар тузиш, вазифалар ишлаб чиқиш ва лойиҳа;

Оралиқ баҳолаш – дарсни барча тил кўникмаларини қўллаган ҳолда ташкил этиш бўйича презентация;

Якуний назорат - барча тил кўникмаларини қўллаган ҳолда микро дарс ўтиш.

◆ **Методик курс:** тил сатҳ (ярус) ларини ўқитишга коммуникатив ёндашув

Фаннинг мақсади

- тил тизимлари - грамматика, фонетика ва лексикани коммуникатив ёндашув асосида ўқитишга ўргатиш;
- тилни ўқитишда контекстга мувофиқ равишда талабаларнинг турли ёндашувлардан мосини танлаб, татбиқ эта олишларини таъминлаш.

Курсни ўзлаштирганидан сўнг талаба

- грамматика, фонетика ва лексикани коммуникатив ёндашув асосида ўқитишнинг афзалликлари ҳақида батафсил маълумотга эга бўлади;
- грамматика, фонетика ва лексикани самарали ўқитиш ва ўрганишга мўлжалланган материалларни таҳлил қила олади;
- тил тизимларини коммуникатив ёндашув асосида ўқитиш ва ўрганишга мўлжалланган материалларни тўплай олади;
- корпус таҳлили дастурлари асосида лексик ва грамматик бирликларнинг маъноси, ишлатилиши ва услубий бўёқдорлиги масалаларини илмий нуқтаи назардан таҳлил этиб, педагогик амалиётда ундан фойдалана олади;
- тил тизимини ўқитишда коммуникатив ёндашувдан фойдаланган ҳолда хатоларсиз, изчил ва раvon дарс ўтиш кўникмаларини эгаллайди;
- тил ўрганаётган ўқувчи ва талабаларнинг хатоларини тузата олади.
- грамматика, фонетика ва лексикани ўқитишга мўлжалланган коммуникатив ўқув материални ярата олади.

Модул мазмуни

- **Грамматикани ўқитиш**
 - грамматикани ўқитиш (грамматика ва маъно; грамматика ва функция);
 - грамматикани ўқитишга дедуктив ва индуктив ёндашув;
 - грамматикани контекст орқали ўргатиш;
 - лингвистик интуиция; тил ҳодисалари;
 - грамматик луғатлардан фойдаланиш;
 - грамматик вазифаларни таҳлил қилиш;
 - грамматик машқ, топшириқ, вазифа, тестларни тузиш.
- **Лексикани ўқитиш**
 - сўз нима? сўзни ўрганиш нима дегани?
 - лексикани контекстда ўқитиш;
 - лексик бирликлар /иборалар/бирикмаларни ўқитиш;
 - янги лексикани ўргатиш (расм, реалия, кўшиқ, мультимедиа ва ҳ.к.дан фойдаланган ҳолда);
 - педагогик мақсадларда корпус маълумотларидан фойдаланиш;
 - талабаларнинг лексикани ўрганиш стратегияларини ривожлантириш;
 - лексик вазифаларни баҳолаш;
 - лексик вазифа, топшириқ ва тестлар тузиш.
- **Фонетикани ўқитиш**
 - муваффақиятли мулоқот учун талаффузнинг муҳимлиги;
 - урғуни (сўз урғуси, гап урғуси) ўргатиш;
 - интонация, интонациянинг муносабатни билдириш ва грамматик функцияларини ўқитиш;
 - товушларни изоляцияда ва контекстда ўқитиш фарқлари;
 - фонологик вазифаларни таҳлил қилиш;
 - фонетикага оид машқ, топшириқ, вазифа, тестларни тузиш.
- **Хатони тўғрилаш**
 - тил тизимларини беҳато ва раvon ўқитиш;
 - хатони тўғрилаш усуллари.

Дастурнинг инфор­мацион-методик таъминоти

- “Эмпирик цикл” методи;

- амалий вазифалар;
- долзарб масалалар бўйича мини-маърузалар;
- модулнинг муҳим масалалари бўйича мунозаралар;
- мустақил ўқиш;
- талаба ва ўқитувчи сифатида рефлексия;
- ўқитиш ва ўрганиш материалларини таҳлил қилиш;
- ўқитиш ва ўрганиш материалларини тўплаш, яратиш.

Баҳолаш турлари ва шакллари

Жорий назорат - рефлексив иншо (грамматика/лексика/ фонологияни ўрганиш жараёнлари ҳақида рефлексияга асосланган ҳолда), иншо грамматика/лексика/фонетикани ўқитишга мўлжалланган ўқув материаллини таҳлил қилиш асосида), талабанинг дарсдаги иштироки.

Оралик назорат - лексикани ўқитиш учун мўлжалланган коммуникатив вазифа, грамматикани ўқитиш учун мўлжалланган коммуникатив вазифа, фонологияни ўқитишга мўлжалланган коммуникатив вазифа

Якуний назорат - касбга ва курс мавзусига оид мақола таҳлили, ўзи яратган вазифани педагогик амалиётда синаш + рефлексия.

◆ Методик курс: тил бўйича билимларни баҳолаш турлари ва мезонлари

Курснинг мақсади

- талабаларни тил бўйича эгалланган билимларни баҳолаш назарияси ва амалиёти билан таништириш;
- баҳолаш мезонларининг мақсад ва вазифаларини аниқлаш кўникмаларини шакллантириш.

Курс якунида талабалар:

- билимни ва кўникмаларни баҳолашнинг асосий принциплари;
- тест турлари (психологик, педагогик, муваффақият тестлари);
- турли таълим йўналишлари хусусиятларига мос альтернатив баҳолаш турларини таҳлил қилиш;
- назорат турлари ва шакллариининг миллий ва халқаро тизимлари;
- билимни баҳолаш учун мезон белгилай олиш ва баҳолаш жараёнини тўғри режалаштириш бўйича билимларни ўзлаштирадлар. Шунингдек, баҳолаш мезонларини танқидий таҳлил қилиш ва баҳолаш мезонларини яратиш малакаларини эгаллайдилар.

Курс мазмуни

- баҳолаш турлари:
 - умумлаштирувчи (summative); шакллантирувчи (formative);
- тест:
 - тестнинг валидлиги (validity)– тест шакли ва мазмунининг уни тузувчилар фикри бўйича тест баҳолаши ёки аниқлаши зарур бўлган нарсага мувофиқ келиши, ишончлилиги (reliability), ихчам ва амалийлиги (practicality);
 - мезонлар мутаносиблиги (Criterion referencing); меъёр мутаносиблиги (norm referencing)
 - таснифлаш;
 - тесттурлари: маҳорат (proficiency), муваффақият (achievement), юксалиш (progress), etc.)
- CEFR (Common European Framework of Reference)
- тестметодлари (mcq., мувофиқлик (multiple matching, etc.); тесттузишнинг илк босқичлари (инструкциялар, жавобвариантларива.к.)
- Тил аспектларини баҳолаш усуллари ва мезонлари
 - ёзма нутқ;
 - ўқиш;
 - тинглаб тушуниш;
 - гапириш

- тил кўникмаларини интеграллаштириш;
- сўз бойлиги;
- грамматика
- альтернативбаҳолаштурлари (портфолионибаҳолаш, ўз-ўзини баҳолаш, лойиҳаишлари, logs, reflection tools, etc.)
- баҳолашни режалаштириш;
- танқидий таҳлил (баҳолашнингўқитишгатаъсири)

Тест топшириқларини тузиш принциплари:

- илмийлик;
- изчиллик;
- ихчамлик ва аниқлик;
- формал эмаслик;
- мантиқий кетма-кетлик;
- тизимлилик;
- умумийлик ва хусусийлик;
- оддийлик ёки мураккаблик;
- кўргазмалилик;
- назария билан амалиётнинг боғлиқлиги;
- тафаккурни ривожлантириш;
- ижодийлик;
- мустақиллик ва онглилик;
- тил ўрганувчиларнинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиш;
- тарбиявийлик;
- ўқув дастурига мослик;
- вақт жиҳатдан объективлик;
- қўллаш имконияти.

Дастурнинг информацион-методик таъминоти

- мини лекциялар;
- ўқув-амалий семинарлар;
- мустақил таълим;
- кейс-стади;
- баҳолаш мезонларини таҳлил қилиш

Баҳолаш турлари ва шакллари

Жорий назорат - талабанинг дарсдаги иштироки, таҳлил қилинган тест ёки баҳолашнинг бошқа шакллари юзасидан таҳлилийҳисобот;

Оралиқ назорат - баҳолаш шакллари ва мезонларини яратиш;

Якуний назорат - лойиҳа иши

◆ Методик курс: ўқув материалларини танлаш ва янгиларини яратиш

Модулнинг мақсади

- ўқув материалларини танқидий таҳлил қилиш ва уларни баҳолашни;
- хорижий ўқув материалларини маҳаллий шароит ва миллий тизимга мослаштириш ҳамда янгиларини яратишга ўргатиш.

Фанни ўзлаштирганидан сўнг талаба:

- ўқув адабиётларни танқидий таҳлил қилиш ва уларни тил ўрганаётганлар эҳтиёжига кўра (билим даражаси ва ёши ва ҳ.к.) танлаш;
- ўқув материалларини яратиш учун мақсад, вазифа ва кутилаётган натижаларини тўғри белгилай олиш;
- таълим мақсадларига кўра интернет таълим сайтларидан унумли фойдалана билиш;
- турли аутентик материалларни (газета, журналлар, телевидение ва радио материалларидан ва ҳ.к.) танлаш ва улар асосида тегишли вазифалар ишлаб чиқа олиш;

- ўқув адабиётлари жумладан, дарсликларга эҳтиёж сезилган вақтда турли ёрдамчи ўқув материаллари ва ресурслардан унумли фойдалана билиш;
- ёрдамчи материаллар жумладан, кўргазмали, тарқатма материаллар, аудио ва видео материаллар ярата олиш малака ва кўникмаларини эгаллайди.

Фан мазмуни

- ўқув материаллари таълим стандартларини шунингдек, миллий қадриятларни татбиқ ва тарғиб қилишнинг муҳим воситаси сифатида;
- ўқув адабиётлари ва ўқув дастурлари ўртасидаги мутаносиблик;
- ўқув адабиётлари турлари жумладан, талабалар учун дарслик, ўқитувчилар учун қўлланма, CD лар, мустақил таълим учун китобларни танлаш;
- чет тили машғулотларида фойдаланиш учун дарсликларни таҳлил қилиш ва танқидий баҳолаш;
- интернет таълим сайтлари, тил кўникмаларини баҳоловчи манбалар, кичик ёшдаги тил ўрганувчилар учун манбалар;
- аутентик материалларни (газета, журналлар, телевидение, радио материалларидан ва ҳ.к.) танлаш ва уларга мос вазифалар тузиш;
- тил ўрганувчилар хусусиятларига мос келадиган кўргазмали материаллар ва тарқатма материалларни яратиш;
- ривожлантирувчи вазифаларни яратишда эътиборга олинаши керак бўлган ахлоқий ва маънавий масалалар (масалан, инсон ҳақ-хуқуқлари, миллий қадриятлар ва ҳ.к.);

Дастурнинг информацион-методик таъминоти

- талабанинг ўқитувчи сифатида рефлексияси;
- амалий вазифа;
- лойиҳавий иш (ўқув материаллари яратиш ва интернетга жойлаштириш);
- долзарб мавзулар муҳокамаси;
- мавзуга оид мақола муҳокамаси;
- таълим жараёнига оид меъёрий ҳужжатларни (масалан, ўқув дастури) таҳлил қилиш;
- интернет манбаларини таҳлил қилиш;
- мустақил ўқиш

Баҳолаш турлари ва шакллари

Жорий назорат - мавжуд ўқув адабиётларни танқидий таҳлил қилиш ва уларга тақриз ёзиш;

Оралик назорат - дарсликнинг бир бўлимини тузиш (ўқитувчи қўлланмаси ва талаба иш китоби);

Якуний назорат - семестр сўнггида ўтказиладиган микро дарс учун кўргазмали материаллар тайёрлаш, тарқатма материаллар яратиш.

◆ Методик курс: махсус йўналиш (соҳа) ларда чет тилини ўқитиш

Курснинг асосий мақсади таълим йўналиши ва касбий ихтисослашув хусусиятларини эътиборга олган ҳолда ҳар хил гуруҳларда чет тили самарали ўқитилишини ташкил этишга ўргатиш.

Курсни ўзлаштирганидан сўнг талаба:

- тил ўрганаётганлар касбий йўналиши ва эҳтиёжларига қараб чет тилини ўқитиш методлари ва ёндашувларини танлаш;
- йўналиш хусусиятларидан келиб чиқиб чет тили дастурларини тузиш;
- ўқув материалларини соҳа ёки йўналиш хусусиятига кўра танлаш ва мослаштириш;
- турли соҳа вакилларида чет тилини ўқитиш малака ва кўникмаларини эгаллайди.

Курс мазмуни

- махсус йўналишларда чет тили (касбий йўналишда чет тили, ўқишга йўналтирилган чет тили);
- эҳтиёжларни ўрганиш ва таҳлил қилиш (вазият тақозосига кўра эҳтиёж, ўрганиш эҳтиёжлари);
- маълум бир соҳа ёки касбий йўналишда чет тилини ўқитиш учун мақсадларни

белгилаш;

- дастур тузишда ўқитиш ёндашувларини белгилаш (мавзу асосида, кўникма асосида);
- Ўзбекистон республикаси таълим тизими босқичларида (коллеж ва лицейларда) чет тили ўқитишнинг мақсад ва мазмунини белгилаш;
- мустақил ўқиш кўникмаларининг ўрни: ўқишга йўналтирилган чет тили, ўқиш ва тадқиқ этиш кўникмалари;
- ўқув материалларини баҳолай олиш;
- ўқув материалларини мослаштира олиш;
- ўқув материалларини ярата олиш;
- махсус йўналишларда чет тили ўқитувчисининг роли

Дастурнинг инфор­мацион-методик таъминоти

Дарс жараёнида талабаларнинг мавзунини тушунишга ёрдам бера оладиган вазифаларни бажаришлари, муҳокамалар, муаммоли ситуацияларни таҳлил қилиш, берилган мақолаларни, адабиётларни ўқиш, баъзи мавзуларни ўзлари мустақил ўқиб ўрганишлари ва мавжуд ўқув материалларини (ўқув дастури, қўлланмалар) таҳлил қилишларига асосий эътибор қаратилади ва ўқитишда шунга мос методлардан фойдаланилади.

Баҳолаш турлари ва шакллари

Жорий назорат - талабанинг дарсдаги иштироки, махсус йўналишларда чет тилини ўқитиш учун материалларни саралаш ва уларни баҳолаш;

Оралик назорат – махсус йўналишларда чет тили ўқитиш учун материалларни мослаштириш;

Якуний назорат - маълум бир соҳа ёки касбий йўналиш учун дарс ишланмаси тайёрлаш.

Методик курс: дарсни режалаштириш

Курснинг мақсади талабаларга чет тили дарсларини тўғри режалаштириш ва дарс режаларини баҳолашни ўргатиш.

Курсни ўзлаштирганидан сўнг талаба:

- ўқув дастурини ўрганиб, таҳлил қилиш ва дарсни режалаштиришда унга асосланиш;
- дарсни режалаштиришга таъсир кўрсатувчи омиллар (ўқувчилар билим даражаси ва ёши, эҳтиёжлари, вақт, ўқувчилар сони ва ҳ.к.);
- дарслар кетма-кетлиги, мақсад, вазифалари ва кутилаётган натижаларини тўғри белгилаш;
- таълим мақсадларига биноан дарснинг тегишли структурасини танлай олиш;
- дарснинг турли босқичлари (дарс бошланиши, асосий ва якуний қисми) учун тегишли вазифаларни танлай олиш ва уларни бир -бирига боғлаш, изчилликни таъминлаш;
- турли ёрдамчи ўқув материаллари ва ресурсларни (масалан, техник воситалар, кўргазмали қуроллар) танлаш;
- интернетдаги тайёр дарс режаларини танқидий таҳлил қилиш;
- дарс режасидан четга чиқиш ёки чиқмаслик қарорини қабул қила олиш ва уларнинг сабабини кўрсата олиш малакаларини эгаллайди.

Курс мазмуни

- мактаб, лицей ва коллежлари учун мўлжалланган ўқув дастурларни ўрганиш, таҳлил қилиш ва улар билан ишлаш;
- дарсни режалаштириш ва дарс режаси таркиби;
- дарслар кетма- кетлиги, мақсад, вазифалари ва кутилаётган натижаларни белгилаш;
- дарсни режалаштириш учун дарс тузилмасини танлаш (масалан, ППП (презентация, практика, продукция), ППП альтернативлари, TBL (вазифаларга асосланган ўқиш), рецептив кўникмаларни ўқитишга матн олди, матн устида ва матндан кейинги машқлар);
- дарснинг турли босқичлари учун вазифалар:
дарс бошланиши (муз ёрар машқлар, кириш машқлари);
яқунлаш (дарсни хулосалаш, интроспекция, қолган сўнгги дақиқаларни тўлдириш).
- дарсда вазифаларни бир- бирига боғлаш;

- дарс давомидаги вазифаларга тўғри вақт ажратиш;
- уй вазифасини бериш;
- мавжуд ўқув материаллари ва ресурсларидан (масалан, расмлар, кўшиқлар, видео, синф тахтаси, синфдаги жиҳозлардан) фойдаланиш;
- муаммоларни олдиндан кўра билиш (тўполончи ўқувчилар билан ишлаш усуллари);
- режалаштириш ва ўқитишда вазиятга қараб мосланувчанлик;
- интернет саҳифаларидаги тайёр дарс режаларини танқидий баҳолаш;
- турли қобилиятга эга ўқувчилар гуруҳларида дарсни режалаштириш;
- ўтказилган дарс рефлексияси

Дастурнинг информацион-методик таъминоти

- талабанинг ўқитувчи сифатида рефлексияси;
- амалий вазифа;
- долзарб мавзулар муҳокамаси;
- мавзуга оид мақолалар муҳокамаси;
- меъёрий ҳужжатларни (масалан, ўқув дастури) таҳлил қилиш;
- интернетдаги дарс режаларини таҳлил қилиш;
- дарс режасини тузиш;
- мустақил ўқиш

Баҳолаш турлари ва шакллари

Жорий назорат - дарсда қатнашиш, тайёр дарс режасини баҳолаш.

Оралик назорат - дарс режасини тузиш.

Якуний назорат - микро дарс ўтказиш, ўтказган микро дарс рефлексияси

◆ Методик курс: аудиторияни ўрганиш (тадқиқ этиш) 1

Курснинг мақсади талабанинг касбий ихтисослашувини ривожлантириш мақсадида аудиторияни ўрганиш (тадқиқ этиш) усулларини ўргатиш.

Курсни яқунлаганидан сўнг талаба :

- синфни тадқиқ этиш босқичлари ва унинг муҳимлиги;
- касбий кўникмаларни ривожлантиришда дарс кузатувининг аҳамияти;
- тадқиқот учун мос келадиган инструментларни яратиш;
- касбий маҳоратларини ривожлантириш мақсадида махсус йўналтирилган синф кузатувини олиб бориш;
- илмий мақсадларда синфни ўрганиш;
- маълумотларни тўплаш учун керак бўладиган материалларни (саволномалар, суҳбат саволлари) тузиб, ишлата олишни ўзлаштиради.

Курс мазмуни

Синфни тадқиқ этиш кичик ҳажмдаги илмий ишнинг систематик тури бўлиб, йиғиладиган маълумотларга асосланган структурали ва мазмунли таҳлилни ўз ичига олади.

- синф тадқиқоти босқичлари (ўқитувчи муаммосини аниқлаш ва тадқиқот қилинадиган саволни тузиш, тадқиқотни режалаштириш (тўғри маълумотни йиғиш услуги), маълумотларни йиғиш, уни таҳлил қилиш ва режалаштириш);
- маълумотларни йиғиш учун керак бўладиган материалларни яратиш/тузиш, унинг салбий ва яхши тарафларини фарқлаш;
 - дарс кузатуви (дарсни видеога тушириш ёки ҳамкасби томонидан кузатилиши)
 - суҳбат ўтказиш (структурали, ярим структурали, структурали бўлмаган);
 - ўқитувчи ва талабаларга бериладиган саволномалар;
 - кундалик юритиш;
 - муаммоли вазиятлар/ҳодисалар;
 - қайдлар
 - талаба бажарган ишнинг далили;
- маълумот манбаларини тўплаш эҳтиёжи;

- дарс кузатуви жараёни:
 - дарс кузатуви босқичи (кузатувдан олдинги, кузатув пайти, кузатувдан кейинги);
 - кузатув натижаларини оғзаки ва ёзма равишда баён қилиш

Дастурнинг информацион-методик таъминоти

Дарс жараёнида талабаларнинг мавзуни тушунишга ёрдам бера оладиган вазифаларни бажаришлари, муҳокамалар, муаммоли ситуацияларни таҳлил қилиш, берилган мақолаларни, адабиётларни ўқиш, баъзи мавзуларни ўзлари мустақил ўқиб ўрганишлари, дарс кузатувида асосланган вазифаларни бажаришлари, синф тадқиқоти натижасида йиғилган маълумотларни биргаликда таҳлил қилиш ва тадқиқот инструментларини яратишларига асосий эътибор қаратилади ва ўқитишда шунга мос методлардан фойдаланилади.

Баҳолаш турлари ва шакллари

Жорий назорат - дарсда қатнашиш, аудиторияни ўрганиш бўйича саволномалар тузиш.

Оралик назорат – аудиторияни тадқиқ этиш учун саволнома шаклини яратиш.

Якуний назорат - дарс кузатуви бўйича таҳлилий ҳисобот.

◆ Методик курс: аудиторияни ўрганиш (тадқиқ этиш) 2

Модулнинг мақсади талабаларга малакали мутахассис сифатида ўз синфларини тадқиқ этишни ўргатиш.

Модулни ўзлаштиргач талаба:

- педагогик амалиёт жараёнида маълумотлар йиғиш учун тадқиқот услубларидан (кузатиш, саволномалар, суҳбатлар) фойдаланиш;
- маълумотларни таҳлил қилиш ва натижаларини тақдим баён этиш;
- ўз педагогик амалиётини ўтказиш учун аудиторияни тадқиқ этиш;
- синфни тадқиқ этиш жараёнига суянган ҳолда ўз педагогик амалиётини таҳлил қилиш малакасига эга бўлади.

Курс мазмуни

Синфни тадқиқ этиш кичик ҳажмдаги илмий ишнинг систематик тури бўлиб, йиғиладиган маълумотларга асосланган структурали ва мазмунли таҳлилни ўз ичига олади.

- тадқиқот учун саволарни тўғри туза олиш;
- таҳлил услублари, маълумотларни тушунтира олиш ва тақдим эта олиш;
- йиғилган маълумотлар таҳлили (мавжуд фарқлар ва ўхшашликлар (масалан: талабаларнинг тест натижалари);
- йиғилган маълумотларга таҳлили (саволномаларнинг тўлдирилиши, дарс кузатувчи фикри, интервью ва ҳ.к.);
- тадқиқ натижаларининг таҳлили;
- тадқиқотни режалаштириш

Дастурнинг информацион-методик таъминоти

Дарс жараёнида талабаларнинг мавзуни тушунишга ёрдам бера оладиган вазифаларни бажаришлари, муҳокамалар, муаммоли ситуацияларни таҳлил қилиш, берилган мақолаларни, адабиётларни ўқиш, баъзи мавзуларни ўзлари мустақил ўқиб ўрганишлари, дарс кузатувида асосланган вазифаларни бажаришлари, синф тадқиқоти натижасида йиғилган маълумотларни биргаликда таҳлил қилиш ва тадқиқот инструментларини яратишларига асосий эътибор қаратилади ва ўқитишда шунга мос методлардан фойдаланилади.

Баҳолаш турлари ва шакллари

Жорий назорат - дарсда қатнашиш, аудиторияни тадқиқ этиш усулларини ўрганиш ва таҳлил қилиш;

Оралик назорат – амалда аудиторияни тадқиқ этиш;

Якуний назорат - аудиторияни ўрганиш (тадқиқ этиш) бўйича таҳлилий ҳисобот.

◆ Методик курс: маданиятлараро мулоқот компетенциясини ривожлантириш

Курснинг мақсади талабаларнинг маданиятлараро мулоқот компетенциясини ривожлантиришдан иборат.

Курсни ўзлаштиргач талаба:

- маданиятлараро мулоқот, халқаро маданий компетентлик, маданиятлар ўртасидаги тафовутнинг тил ўрганиш ва ўқитишдаги аҳамияти;
- маданиятлараро мулоқотнинг экстралингвистик жиҳатлари (дунёқараш, маросимлар, урф-одатлар, инсон аъзолари тили, табулар, стереотиплар, кўпмиллатли маданиятларда жамиятнинг ўрни, имидж, рамзлар);
- маданиятлараро мулоқотда маданиятга хос хусусиятларни (саломлашув, мулозаматни акс эттириш ўллар, мурожаат қилиш ўллар, идиомалар ва ҳ.к.) ўринли ишлатиш;
- ўзга тил маданиятига хос жиҳатларни ўқитиш учун ўқув материаллари яратиш, мавжудларини таҳлил қилиш, мослаштириш малакаларини эгаллайди.

Курс мазмуни

- маданиятлараро мулоқот, халқаро маданий компетентлик атамалари;
- маданиятлараро мулоқотда экстралингвистик масалалар (дунёқараш, маросимлар, урф-одатлар, инсон аъзолари тили, табулар, стереотиплар, турли маданиятларда жамиятнинг ўрни);
- чет тили дарсларида тил ва маданият (саломлашувлар, мулозаматни акс эттириш, мурожаат қилиш ўллар, идиомалар ва ҳ.к.);
- маданиятлараро зиддият, тўқнашувларга сабаб бўлувчи омиллар, маданий шок, маданий ўзига хослик, халқаро маданиятда ўзлигини асраш.
- маданиятлараро мулоқотга ўқитиш учун ўқув материаллари (адабиёт, газеталар, TV, интернет, расмлар, реалиялар, фильмлар, рамзлар ва ҳ.к.) дан фойдаланиш;
- ўзга маданиятга тегишли мавзуларни ўқитиш ва материалларни яратишда ўта хушёр бўлиш, материалларни таҳлил қилиш (дарсликлар, дарс ишланмалари/конспект, топшириқлар/вазифалар)
- ўзга маданият мавзулари учун ўқув материалларини яратиш (3 та мақсад: тил, педагогика, маданият)

Дастурнинг инфор­мацион-методик таъминоти

- амалий вазифалар;
- маданиятлараро мулоқотда юзага келадиган муаммо ёки можарони бартараф этиш;
- муҳокама;
- кейс стади;
- рол плей;
- кузатувлар/ маълумотлар йиғиш бўйича топшириқлар;
- мустақил таълим.

Баҳолаш турлари ва шакллари

Жорий назорат - талабанинг дарсдаги иштироки, Case study, қиёсий тадқиқот бўйича ҳисобот

Оралий назорат – маданиятлараро масалалар нуқтаи назаридан ўқув материаллари таҳлили

Якуний назорат - маданиятлараро мулоқотда компетентликни ривожлантиришга қаратилган ўқув материаллари тақдими

◆ Методик курс: турли ёшдагиларга чет тилини ўқитиш

Курснинг мақсади чет тилини турли ёш гуруҳларида ўқитиш усуллари ва методларини ҳамда ўқитиш жараёнида юзага келиши мумкин бўлган ёш билан боғлиқ муаммоларни бартараф этишни ўргатишдан иборат.

Курсни ўзлаштиригач талаба:

- турли ёш гуруҳларининг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш;
- турли ёш гуруҳларида қўлланиладиган ўқитиш методлари, ўқув материаллари, дарсни олиб бориш ва баҳолашдаги ўхшашлик ва тафовутларни таҳлил қилиш;
- ёш гуруҳига мос равишда дарсларни режалаштириш ва олиб бориш;

- ўқув материалларини ёш тафовутларини эътиборга олган ҳолда ўзгартириш, мослаштириш ва янгиларини яратиш малакаларини эгаллайди.

Курс мазмуни

- чет тилини ўрганувчиларининг психо-физиологик хусусиятлари ва турли ёшдагиларга чет тилини ўргатиш жараёни
- турли ёшдагиларга чет тилини ўргатишда ўқитувчининг роли ва аудиторияга мос равишда мослашуви.
- турли ёш гуруҳларини ўқитиш тамойиллари;
- турли ёшдагиларга чет тилини ўргатиш учун дарсларни режалаштириш ва унда ёш хусусиятларини эътиборга олиш;
- ёш хусусиятидан келиб чиқиб, мувофиқ методларни танлаш;
- катта ёшдагиларга чет тилини ўргатишнинг ўзига хос хусусиятлари;
- кичик ва ўсмир ёшдагиларга чет тили ўргатишда ўйин, кўшиқ, мусиқа ва ҳикоялардан самарали фойдаланиш;
- турли ёш гуруҳларида чет тили бўйича ўзлаштирилган билимларни баҳолаш;
- ёш хусусиятларига кўра ўқув материалларини мослаштириш ва янгиларини яратиш.

Дастурнинг инфор­мацион-методик таъминоти

- амалий топшириқлар;
- мавзуларга оид адабиётларни ўқиш;
- муҳокама;
- мустақил иш;
- интернет ва бошқа манбалардан мавзуларга оид маълумотлар тўплаш;
- мавжуд ўқув материалларини ёш хусусиятларига мос тарзда ўзгартириш;
- дарсларни кузатиш.

Баҳолаш турлари ва шакллари

Жорий назорат – талабанинг дарсдаги иштироки, дарсдаги фаоллиги, дарс кузатуви асосидаги ёзма баёноти.

Оралик назорат - ўқув материалларини ёш хусусиятларига мос тарзда ўзгартиришга асосланган муаммоли топшириқ;

Якуний назорат - турли ёшдагилар учун мўлжалланган дарс режаси

Лаборатория ишларини ташкил этиш бўйича кўрсатмалар

Фан бўйича лаборатория ишлари намунавий ўқув режада кўзда тутилмаган

Курс ишини ташкил этиш бўйича услубий кўрсатмалар

Фан бўйича курс иши намунавий ўқув режада режалаштирилмаган

Мустақил таълимни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни

“Асосий ўрганилаётган тил” фани таркибидан талабаларни мустақил таълим олишга ўргатувчи махсус модул (мустақил таълим кўникмалари) ўрин олган бўлиб, талабалар биринчи курсдан бошлаб мазкур фанни ўрганадилар. Шунингдек, ҳар бир ишчи ўқув дастурида талабанинг мустақил ўқиб ўрганишига вазифа ва топшириқлар кўрсатиб ўтилади ва уларни бажариш учун аниқ кўрсатмалар мисоллар ёрдамида берилади. Тилни ўрганиш жараёнида талаба интерфаол усуллар воситасида мустақил таълим олишга рағбатлантирилади ва мустақил фикрлаш талаб қилинади. Бунда ўқитувчи билим берувчи ва баҳоловчи сифатида эмас, балки фасилитатор (инглизча facilitate сўзидан олинган бўлиб, бирор бир жараённинг боришига яхши таъсир этувчи ва унга мос шарт-шароитлар яратиб берувчи) сифатида намоён бўлади. Талабадан фан бўйича мустақил ўрганган билимларини

аудиторияда турли хил интерактив услублар орқали намоиш қила олиши ва бошқаларга ўргата олиши талаб этилади.

Тавсия этилаётган мустақил ишларнинг мавзулари

Мустақил иш мавзулари фан ўқитувчиси ва талабалар томонидан ишлаб чиқилади. Мавзулар талабани мустақил билим олишга онгли равишда йўналтириши лозим. Бунда:

- сенсор таълим услублари (визуал, аудио, кинестет, тактил);
- таълим услубларининг Хани ва Мамфорд таснифи (назариётчи, фаол иштирокчи, рефлексор, прагматик);
- интроверт ва экстроверт;
- яхши билим олиш учун таълимнинг самарали услубларидан оқилона фойдаланишга асосий эътибор қаратилади.

Ўз- ўзини баҳолашда:

- ✓ ўзининг тил билиш даражасини умумэтироф этилган халқаро меъёрлар (CEFR) га мувофиқ баҳолаш;

Мақсадларни тўғри қўйишда:

- ✓ СМАРТ мақсадлар;
- ✓ чет тилини ўрганишдан мақсадни тўғри белгилаш

Рефлексия:

- ✓ таълим муассасаси ва ундан ташқарида вақтдан унумли фойдаланиш;
- ✓ стресс (руҳий зўриқиш) га қарши курашиш;

Вазифалар устида ишлаш жараёнида:

- ✓ вазифаларни аниқлаш ва персонализация қилиш;
- ✓ кутубхоналардан унумли фойдаланиш;
- ✓ интернетдан мақсадли ва самарали фойдаланиш;
- ✓ плагиат (кўчирмакашлик) га йўл қўймаслик;
- ✓ хотирани яхшилаш;
- ✓ имтиҳон ва тестга тайёргарлик кўриш;
- ✓ таълим кўникмаларини босқичма-босқич эгаллаб бориш;
- ✓ амалий вазифаларни бажариш;
- ✓ мустақил ўқиш;
- ✓ долзарб мавзулар муҳокамаси;
- ✓ матнлар /мақолалар/видео материалларни танқидий муҳокама қилиш;
- ✓ талаба портфолиосигаалоҳида аҳамияб берилади.

Дастурнинг инфор­мацион – методик таъминоти

Мазкур дастурда ҳар бир модул мазмунидан сўнг машғулотларни самарали ташкил этиш ва мавзуларни ўқитиш технологиялари келтирилган. Амалий машғулотларда ақлий ҳужум, кластер, блиц-сўров, кичик гуруҳларда ишлаш, инсерт, презентация, кейс стади каби усуллардан кенг фойдаланилади.

Фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати

Немис тили бўйича тавсия этиладиган асосий адабиётлар:

1. Дадаходжаева М.С. ва б. Deutsch I. Taschkent. 2005.
2. Дадаходжаева М.С. Deutschkurs II. Taschkent. 2011
3. Маматов М. Исмоилов Ю. ва б. Deutsch für Hochschulen. Ташкент. 2003.
4. Hakimova F. Sodikova R. Abduganieva Sch. Beier. A. Praktische Phonetik PERFEKT PRINT. Taschkent 2012.
5. Saidov S. Deutsche Grammatik in Übungen. „O‘zbekiston“ Toshkent 2003.
6. Toshev. Z. B. Nemis tili fonetikasi. Buxoro, 2009.
7. Eurolingua Deutsch 3, neue Ausgabe, Kurs und Arbeitsbuch, Cornelsenverlag,

Berlin 2007

8. Em neu Brückenkurs, Arbeits und Kursbuch, Max Hueberverlag, Ismaning 2010
9. Em neu Hauptkurs, Arbeits und Kursbuch, Max Hueberverlag, Ismaning 2009
10. Em neu Abschlusskurs, Arbeits und Kursbuch, Max Hueberverlag, Ismaning 2011
11. Lagune 3, Hartmund Aufdrstrasse, Max Hueberverlag, Ismaning 2012
12. DaF Kompakt, Deutsch für Erwachsene, Ernst Klettverlag, Stuttgart 2011

Қўшимча адабиётлар

1. Мирсоатов Т.З. Немис тили грамматикаси. Морфология. Тошкент. 1987
2. Нурматов Т.А., Б. М.Хусанхўжаев, Э.Х.Жўраев, Т.Очилов. Немис тили фонетикаси. 2002.
3. Butayev. Z., Ismoilov Yu., Karimov Sh. Deutsch-usbekisches Wörterbuch. "Fan". Т. 2007.
4. Holiyarov L. Das Verb im heutigen Deutsch. 2009.
5. Karimov Sh., Ismoilov Yu. Usbekisch-deutsches Wörterbuch. "Nihol". Т. 2011.
6. Praktische Phonetik. Elektronisches Lehrbuch. Taschkent. 2012.
